

2p

Февраль 2015

Жозибадор хизматлар самараси

(4-бетда ўқинг).



«Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги томонидан 2014 йил давомида берилган рейтинглар жадвали.....3

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил январь-декабрь ойларидаги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари.....9

БАНК ХИЗМАТЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Банк ходимлари, ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 5 (976), 2015 йил 4 февраль

www.banknews.uz

● Сайлов – 2015

Сайловчилар имзолари тўпланмоқда

Маълумки, юртимиздаги мавжуд сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссиясига зарурий ҳужжатлар топширилган эди.

Айни пайтда ушбу сайлов юзасидан сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватловчи имзоларни тўплаш борасидаги ишлар қизгин давом этмоқда.

Сиёсий партиялар «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга биноан Марказий сайлов комиссиясидан рўйхатга олинганлик гувоҳномасини олганидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзоларини тўплаш ишларига киришган, дея хабар берилади «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 3 февраль кунги сониди.

Сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ, сиёсий партиялар томонидан Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиладиган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчилари умумий сонининг камида беш фоизини, камида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилма намояндаси бўлган сайловчиларнинг имзосини қамраб олган бўлиши керак.

Бунда сиёсий партиялар маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин.

Таъкидлаш жоиз, ушбу сиёсий жараёнга фуқаролар, айниқса, ёшлар фаол муносабат билдириб, сиёсий партияларнинг бу борадаги фаолиятига катта қизиқиш билан қарамоқда. Ўз навбатида, сиёсий партиялар ҳам сайловолди барча ташкилий масалалар, хусусан, сайловчилар имзоларини тўплаш ишларини намунали ташкил этмоқда.

(Давоми 2-бетда).


Бир мавзу тафсилоти

2014 йил мобайнида гаров реестри тизимидан фойдаланиш мақсадида 115 та фойдаланувчилар рўйхатдан ўтказилиб, уларга шахсий кабинет очилди. Жумладан, барча тижорат банклари (26 та), микрокредит ташкилотлари (25 та) ва ломбардлар (46 та), шунингдек, бошқа корхоналар ва жисмоний шахслар (18 та) гаров реестри хизматидан фойдаланишмоқда.

(Батафсил 2-бетдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Гаров реестри» давлат унитар корхонасининг 2014 йилги фаолияти бўйича ҳисоботида ўқинг).

Банк хизматлари кўргазмаси

Фарғонада банк технологиялари, жиҳозлари ва хизматлари – «BankExpo-2015» миллий кўргазмаси ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси ва маҳаллий ҳокимият мутасаддилари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазмада тижорат банклари ҳамда етакчи сугурта компаниялари ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этди.



Шунингдек, тадбирда «Камолот» ЁИХ вакиллари, вилоят солиқ ва божхона бошқармалари, Савдо-саноат палатаси, «Хунар-манд» уюшмаси ва бошқа ташкилотлар мутахассислари қатнашди. Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётимизни

юксалтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган лойиҳаларни татбиқ этишда банк-молия муассасалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

(Давоми 2-бетда).

«Трастбанк»дан янги хизмат

«Трастбанк» хусусий акциядорлик биржа банки юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун тақдим этилаётган мобил банк хизматининг янги йўналиши – «Траст-Мобайл» хизматини жорий этди.

Мижозлар шу вақтгача интернет тармоғига уланиш орқали кечаю кундуз давомида «Интернет-банк» тизимидан фойдаланиш имконига эга бўлсалар, эндиликда мобил қурилмалари кўмагидан фойдаланган ҳолда «Траст-Мобайл» хизмати билан банкдаги ўз ҳисобварақларига кириш ҳамда уни мустақил бошқаришлари мумкин.

Мобил хизмат кўрсатиш жараёни iOS ва Android платформалари негизда амалга оширилади.

«Траст-Мобайл» мобил хизматининг имкониятлари:

- тўлов топшириқномаларини шакллантириш, имзолаш ва банкка жўнатиш;
- ҳужжатларни келгусида валюта амалиётларини амалга ошириш санаси билан жўнатиш;

• тўловнинг андозалари, шу жумладан, «Интернет-банк» тизимида яратилганлари билан ҳам иш олиб бориш;

• Ўзбекистон Республикаси банклари вакилликларига доир маълумотномалар, валюта курслари билан ишлаш;

• ҳужжатларнинг мақомини кузатиб бориш;

• банкда ҳисобварақ очилган санадан эътиборан миқдорнинг ўз ҳисоб рақамларига доир кўчирмаларини ва сальдо-айланма қайдномаларини тақдим этиш кабилардир.

Банкнинг «Траст-Мобайл» хизматидан фойдаланиш учун «Трастбанк» орқали «Интернет-банк» тизимига уланиш; мазкур мобил хизматдан фойдаланиш ҳақида шартномани имзолаш; дастурий таъминотни мобил қурилмасига кўчириш ва жойлаштириб олиш талаб этилади.

Бундан ташқари, қўшимча рўйхатларга олишга доир бошқа саъй-ҳаракатлар кўзда тутилмаган. «Интернет-банк» тизимининг исталган ечими билан иш олиб бориш учун электрон рақамли имзо калитига эга бўлишнинг ўзи кифоя.

Бекзод АКРОМОВ.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 3 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1897,05	1 Канада доллари	1918,25	1 Норвегия кронаси	316,22	1 евро	2771,81
1 Англия фунт стерлинги	3682,73	1 Хитой юани	390,22	1 Польша злотийси	660,95	10 Жанубий Корея вони	22,18
1 Дания кронаси	371,13	1 Кувайт динари	8286,55	1 Сингапур доллари	1803,51	10 Япония иенаси	207,52
1 БАА дирҳами	664,89	1 Россия рубли	35,43	1 СДР	3442,91	*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.	
1 АҚШ доллари	2442,13	1 Украина гривнаси	151,14	1 Туркия лираси	1000,59		
1 Миср фунти	321,33	100 Ливан фунти	161,94	1 Швеция кронаси	295,69		
1 Исландия кронаси	18,34	1 Малайзия ринггити	672,95	1 Швейцария франки	2640,14		

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма кўрсаткичи: 1 USD ▲ 2442,13 – (2436,16) | 1 EUR ▼ 2771,81 – (2830,23) | 1 GBP ▲ 3682,73 – (3653,02) | 10 JPY ▲ 207,52 – (207,26)

ISLOHOTLAR SAMARASI

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Гаров реестри» давлат унитар корхонасининг 2014 йилги фаолияти бўйича Ҳ И С О Б О Т И

«Гаров реестри» давлат унитар корхонаси ўрнатилган тартибда Тошкент шаҳар Миробод тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2014 йил 23 июнда давлат рўйхатидан ўтказилди ва юридик шахс мақомига эга бўлди.

«Гаров реестри» давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохқўчаси, 6-уйда фаолият кўрсатмоқда.

2014 йил июль ойида гаров реестрининг дастурий платформаси ишлаб чиқилди ва унинг интернет тармоғи орқали фаолият юритиши йўлга қўйилди. «Гаров реестри» давлат унитар корхонаси сайти TAS-IX зонасида жойлаштирилиб, «garov.uz» домен номига эга бўлди.

Ўтган йил давомида «Гаров реестри» давлат унитар корхонаси томонидан интернет тармоғи орқали гаров реестрининг узлуксиз кеча-кундуз фаолият юритиши таъминланди.

Гаров реестрининг дастурий платформасини ишлаб чиқиш жараёнида Халқаро молия корпорациясининг бу борадаги тавсия ва таклифлари ҳам инobatга олинди.

Шунингдек, 2014 йилнинг 30 сентябрь – 3 октябрь кунлари Тошкентга ташриф буюрган Халқаро молия корпорациясининг Гаров реестри бўйича халқаро экспертлари томонидан Ўзбекистонда жорий қилинган гаров реестри фаолияти юқори баҳоланди.

2014 йилнинг июль-август ойлари давомида «Гаров реестри» давлат унитар корхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон банклари Ассоциацияси билан биргаликда республиканинг барча ҳудудларида гаров реестрига ёзувларни киритиш билан шуғулланувчи шахслар учун семинарлар ҳамда амалий тренинглар ташкил этилди.

«Гаров реестри» давлат унитар

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Гаров реестри» давлат унитар корхонаси Ўзбекистон Республикасининг «Гаров реестри тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 июндаги «Гаров реестри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 155-сонли қарорига мувофиқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 14 июндаги 16-А/3-сонли қарорига асосан ташкил этилди.

корхонаси томонидан 2014 йил фаолияти давомида:

муружаат этган ҳар бир юридик ёки жисмоний шахс билан тузиладиган шартнома асосида ёзув киритиш учун гаров реестрига кириш, шунингдек, ундан реал вақт режимида, шу жумладан, интернет ахборот тармоғи орқали фойдаланиш имконияти таъминланди;

Жумладан, барча тижорат банклари (26 та), микрокредит ташкилотлари (25 та) ва ломбардлар (46 та), шунингдек, бошқа корхоналар ва жисмоний шахслар (18 та) гаров реестри хизматидан фойдаланишмоқда.

Ўтган йил давомида фойдаланувчилар томонидан гаров реестрига 146,5 минг ёзувлар киритилган ва ушбу ёзувларга 2,0 мингдан ортик

ви остида кредитлаш ҳажмларини оширишга, гаров мол-мулки бўйича ҳолис ахборотлар базасининг шаклланишига ва натижада кредит ажратиш жараёни янада тезлаштирилишига эришилди.

«Гаров реестри тўғрисида»ги Қонун кучга кирганидан буён ўтган қисқа вақтда келтирилган кўрсаткичларнинг юқорилиги ушбу қонуннинг қадавр ўз вақтида ва тўғри қабул қилинганлигидан далолат беради.

«Гаров реестри» давлат унитар корхонаси томонидан 2015 йил давомида гаров реестри фаолиятини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилиши режалаштирилаётган асосий вазифалар куйидагилар ҳисобланади:

– Халқаро молия корпорацияси билан Ўзбекистон гаров реестри фаолиятини такомиллаштириш бўйича Ҳамкорлик келишувини имзолаш ва амалга ошириш;

– Халқаро молия корпорациясининг Гаров реестри бўйича халқаро экспертларининг гаров реестрини янада такомиллаштириш бўйича берилган тавсиялари асосида тегишли ишларни амалга ошириш;

– гаров реестри фойдаланувчиларига ёзувларни киритиш ва гаров реестри билан ишлаш бўйича қулайликларни янада ошириш юзасидан дастурий таъминот яратиш;

– гаров реестрининг афзалликлари ва имтиёзларини тарғиб қилиш, тушунтириш ишларини олиб бориш орқали фойдаланувчиларни кенг жалб этиш;

– гаров реестри фаолиятини мустаҳкамлаш ва барқарорлигини янада ошириш мақсадида унинг моддий-техник таъминотини ошириш.

Шерзод ХАЛИЯРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки ҳузуридаги
«Гаров реестри» давлат унитар
корхонаси директори.

2014
йил давомида
181,2 мингта
гаровга олинган
мол-мулк объект-
лари гаров реес-
трига кири-
тилди.

**Ўтган йил давомида фойдаланув-
чилар томонидан гаров реестрига
146,5 минг ёзувлар киритилган ва
ушбу ёзувларга 2,0 мингдан ортик
ўзгартиришлар киритилган ҳамда
гаров мажбуриятлари бажарилган-
дан сўнг 1,6 мингга яқин ёзув гаров
реестридан чиқарилган.**

юридик ва жисмоний шахсларга гаров реестридан фойдаланиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатилди; муружаат этган юридик ва жисмоний шахсларга гаров реестрига ёзув киритиш афзалликлари тушунтирилди; гаров реестридаги ахборотни қарздор – солиқ тўловчининг идентификация рақами ёки ёзувнинг ягона рўйхатдан ўтказиш рақами бўйича излаш имконияти яратилди; фойдаланувчиларга киритилган ёзув тўғрисида ахборот тақдим этилди.

Хусусан, 2014 йил мобайнида гаров реестридан фойдаланиш мақсадида 115 та фойдаланувчилар рўйхатдан ўтказилиб, уларга шахсий кабинет очилди.

ўзгартиришлар киритилган ҳамда гаров мажбуриятлари бажарилгандан сўнг 1,6 мингга яқин ёзув гаров реестридан чиқарилган.

Натижада 2014 йил давомида 181,2 мингта гаровга олинган мол-мулк объектлари гаров реестрига киритилди.

Таъкидлаш лозимки, гаров реестрининг республикамизда ташкил этилиши туфайли мамлакатимизнинг молия-банк тизими халқаро стандартларга мос инфратузилма билан таъминланди ҳамда кредиторлар манфатлари янада ишончли ҳимояланди.

Бу билан эса, кредиторларнинг рискларини камайтиришга, тадбиркорларни ҳар қандай мол-мулк гаров

Сайловчилар имзолари тўпланмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатиладиган номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчилар имзоларини тўплаш ишлари, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан сайловда самарали иштирок этиш мақсадида республикамизнинг ҳар бир ҳудудида номзодни қўллаб-қувватловчи имзоларни тўплашга доир тадбирлар кенг миқёсда, тизимли тарзда олиб борилмоқда. Бу борада партия ўзининг жойлардаги бошланғич ташкилотлари раислари ва фаолларидан иборат махсус гуруҳлар тузиб, ҳар бир ҳудудга масъул ходимлар бриктирган. Мазкур гуруҳлар маҳаллалар, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжа-

ликларига бўлиб, сайловчиларнинг имзоларини тўплаш ишларини ҳам олиб бормоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатиладиган номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан имзо тўплаш ишлари тизимли асосда олиб борилмоқда. Партиянинг барча бўғиндаги ташкилотлари имзо варақаларини қонунчиликда белгиланган тартибда ўз вақтида тўлдириш, бунда ҳудудларни тўлиқ қамраб олишга ҳаракат қилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан ҳам мазкур жараён қонунчилик талаблари доирасида ташкил этилиб, сайловчиларга имзо варақаларини тўлдириш тартиби, бу борада амал қилиниши лозим бўлган жиҳатлар тушунтирилмоқда.

Назира МАВЛОНОВА.

Банк хизматлари кўргазмаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур ҳужжат ижроси жараёнида банкларнинг инвестициявий фаоллигини ошириш, мижозлар лойиҳасини кредитлаш механизмлари, молиявий хизмат кўрсатиш тартиблари такомиллаштирилиб, тизимда замонавий ахборот технологиялари кенг жорий этилмоқда.

Икки кун давом этган тадбирда иштирокчиларга молия-банк тизими ютуқлари, мавжуд имкониятлар, янги хизмат ва технологиялар ҳақида батафсил маълумот берилди. Шу билан бирга, иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омили бўлган тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, кредитлар ажратиш

борасида вилоят банкларининг имконияти ва салоҳияти намойиш этилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 2014 йилда Фарғона вилоятида фаолият олиб бораётган тижорат банклари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан 600 млрд. сўмдан ортик кредитлар ажратилди. Хусусан, касб-хунар коллежи битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга 25 млрд. 734 млн. сўм кредит йўналтирилди.

Кўргазмада тижорат банклари томонидан вилоятнинг чекка ҳудудларида фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, микрофирмалар, фермер

хўжаликлари ҳамда ўз бизнесини бошлаётган таълим муассасалари битирувчиларининг бизнес лойиҳалари бўйича ўтказилган танлов ғолибларига тижорат банкларининг имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи 50 та сертификатни топширилди.

Бунга мисол тариқасида, тикувчилик фаолиятини ривожлантириш мақсадида Барно Қодировага 10 млн. сўм, иссиқхона хўжалигини юритиш учун Шахбоз Юсуповга 25 млн. сўм, тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган Одинахон Рўзалиевага 17 млн. сўм миқдорига имтиёзли кредит олиш имконини берувчи сертификатлар тақдим этилганини келтириб ўтиш мумкин.

ЎЗА материаллари асосида Ҳамдам АМИНОВ тайёрлади.

REYTINGLAR



«Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги томонидан 2014 йил давомида берилган рейтинглар жадвали

ТИЖОРAT БАНКЛАРИ

T/P	Банклар номи	Рейтинг
1	«Асака» ДАТБ (АЖ)	uzA+
2	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ	uzA+
3	«Агробанк» АТБ	uzA+
4	«Ипотека-банк» АТИБ	uzA+
5	«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ	uzA+
6	«Алоқабанк» АТБ	uzA+
7	«Ипак йўли» АИТБ	uzA+
8	«Капиталбанк» АТБ	uzA
9	«KDB Bank O'zbekiston» АЖ	uzA+
10	«Микрокредитбанк» АТБ	uzA
11	ДТ Халқ банки	uzA
12	«Трастбанк» ХАББ	uzA+
13	«Invest Finance Bank» ХАТБ	uzA
14	«Савдогар» АТБ	uzA
15	«Туронбанк» АТБ	uzA
16	«ЎТ-банк» АЖ	uzA
17	«Asia Alliance Bank» АТБ	uzA+
18	«Туркистон» ХАТИБ	uzB++
19	«Orient Finans» ХАТБ	uzA
20	«Универсалбанк» ХАТБ	uzB
21	«Равнақ-банк» ХАТБ	uzB

СУГУРТА КОМПАНИЯЛАРИ

T/P	Суғурта компаниялари номи	Рейтинг
1	«Xalq sug'urta» СК АЖ	uzA+
2	«Инго-Ўзбекистон» САЖ	uzA+
3	«Ўзагросуғурта» ДАСК	uzA++
4	«Ishonch» МЧЖ БСК	uzA
5	«Unipolis» МЧЖ СК	uzA
6	«Alfa Invest» АЖ СТ	uzA+
7	«Alfa Life» СШХТ	uzA+
8	«Euroasia Insurance» МЧЖ СК ҚК	uzA

ЛИЗИНГ КОМПАНИЯЛАРИ

T/P	Лизинг компаниялари номи	Рейтинг
1	«O'zavtosanoat-Leasing» ЛК МЧЖ	uzA+
2	«Sifco International» БК МЧЖ	uzA+
3	«Ўзбек Лизинг Интернешнл» ҚК АЖ	uzA+
4	«Qurilish-Lizing» ЛК АЖ	uzA
5	«Baraka» АЖ УЛК	uzA
6	«Ўзмелиомашлизинг» ШЛК	uzA+

КОРХОНА ҚИММАТЛИ
ҚОҒОЗЛАР ЭМИТЕНТЛАРИ

T/P	Эмитент номи	Рейтинг
1	«Baliqchi» АЖ	uzB++
2	«Dori-Darmon» АК	uzA+

МИКРОКРЕДИТ
ТАШКИЛОТЛАРИ

T/P	Микрокредит ташкилотлари номи	Рейтинг
1	«Ренессанс МКТ» МЧЖ	uzB++
2	«Barakat МКТ» МЧЖ	uzA
3	«Тадбиркор Инвест МКТ» МЧЖ	uzB+
4	«Кафолатли сармоя МКТ» МЧЖ	uzA
5	«Бизнес Экспресс МКТ» МЧЖ	uzB+
6	«Дельта МКТ» МЧЖ	uzA
7	«Ал Барот МКТ» МЧЖ	uzA
8	«Сирдарё МКТ» МЧЖ	uzB+

МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ

ДАВОМИ

T/P	Микрокредит ташкилотлари номи	Рейтинг
9	«Капитал плюс МКТ» МЧЖ	uzB+
10	«Траст Инвест МКТ» МЧЖ	uzB++
11	«Чирчиқ кредит МКТ» МЧЖ	uzB++
12	«Эҳтиром плюс МКТ» МЧЖ	uzA
13	«Эврика капитал МКТ» МЧЖ	uzB++
14	«BV финансинвест» МЧЖ	uzB++
15	«Сабр МКТ» ШК	uzB++
16	«Олтин юлдуз плюс МКТ» МЧЖ	uzA
17	«Имкон экспресс МКТ» МЧЖ	uzB++
18	«Garant invest МКТ» МЧЖ	uzB++
19	«Yengil kredit МКТ» МЧЖ	uzB++
20	«Альфа МКТ» МЧЖ	uzB++
21	«Қамаши капитал инвест МКТ» МЧЖ	uzB++
22	«Зухро юлдузи файз МКТ» МЧЖ	uzB+
23	«Istiqbol invest МКТ» МЧЖ	uzB++

ЛОМБАРДЛАР

T/P	Ломбардлар номи	Рейтинг
1	«То'ytepa kredit» МЧЖ	uzA
2	«Oloy invest» МЧЖ	uzB++
3	«Moment kredit» МЧЖ	uzB++
4	«Hamkor kredit» МЧЖ	uzA
5	«Shokir invest» МЧЖ	uzA
6	«Artfam-invest» МЧЖ	uzA
7	«Biznes azia invest» МЧЖ	uzB+
8	«Gold finance kredit» МЧЖ	uzA
9	«Sergeli kredit» МЧЖ	uzA
10	«Zoda kredit» МЧЖ	uzB++
11	«Sharq kredit» МЧЖ	uzA
12	«Ideal kredit» МЧЖ	uzA
13	«Lombard Profit Service» МЧЖ	uzB+
14	«Yom tov credit» МЧЖ	uzB++
15	«Lobar kredit» МЧЖ	uzA+
16	«Daroff-invest» МЧЖ	uzB++
17	«Valyut-Tranzit» МЧЖ	uzB++
18	«Kristal-Kredit» МЧЖ	uzA
19	«Yangi Yo'l Ishonch Kredit» МЧЖ	uzA
20	«Tashkredit» МЧЖ	uzA
21	«Sarmoya-madad» МЧЖ	uzB++
22	«Rustam kredit» МЧЖ	uzA
23	«Albatros-kredit» МЧЖ	uzA
24	«Navoiy kredit» МЧЖ	uzB++
25	«Asat kredit» МЧЖ	uzA
26	«Avangard kredit» МЧЖ	uzB++
27	«Svetlana kredit» МЧЖ	uzB++
28	«Venera kredit» МЧЖ	uzB++
29	«Ko'mak kredit» МЧЖ	uzA
30	«Daromad invest» МЧЖ	uzB+
31	«Sherzod kredit invest» МЧЖ	uzB++
32	«Farhod kredit» МЧЖ	uzB++
33	«Bardosh biznes» МЧЖ	uzB++
34	«Qulay kredit» МЧЖ	uzB++
35	«Region kredit» МЧЖ	uzB++
36	«Gold finans business» МЧЖ	uzB++
37	«Billur tong yulduzi» МЧЖ	uzB++
38	«Сермаҳсул навқирон ўлка» МЧЖ	uzB++
39	«Baqojon plyus» МЧЖ	uzB+
40	«Norik-credit» МЧЖ	uzB++

«Ўзагросуғурта» суғурта компаниясига берилган якка тартибдаги рейтинг натижаси шарҳи

«Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компаниясининг (АЖ) миллий шкала бўйича тўловга қобилиятлилиги рейтингини 2013 йил охиридаги «барқарор» прогнози билан «uzA++» даражасигача янгилади.

Бугунги кунда «Ўзагросуғурта» суғурта компанияси (АЖ) бошқа барча маҳаллий суғурта компаниялари орасида миллий шкала бўйича тўловга қобилиятлилигининг энг юқори рейтингига эга. «uzA++» рейтингини истиқболи ижобий бўлган ҳолда суғурта компаниясининг тўловга қобилиятлилиги даражаси жуда юқори эканлигини англатади. Мазкур рейтинг ўз мажбуриятларини ҳамда суғурта полислари эгаларининг талабларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш бўйича жуда юқори қобилиятга эга суғурта компанияларига берилади.

«Ahbor-Reyting» РАнинг тахминига кўра, «Ўзагросуғурта» ДАСК (АЖ) келгуси даврларда ҳам барқарор юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолади. Бунда суғурта компаниясининг суғурта портфелида минтакалар улушининг юқорилиги келгусида ҳам сақланиб қолса керак, портфель таркиби эса «Ўзагросуғурта» ДАСК (АЖ) ўз стратегиясини амалга оширишга қараб волатил муайян даражасида, мижозлар – жисмоний шахсларга кўпроқ йўналган бўлади. «Ahbor-Reyting» РАнинг тахминича, «Ўзагросуғурта» ДАСК (АЖ) яқин истиқболда зарар кўриш коэффициентини (бунга, ўз навбатида, чакана суғурта маҳсулотларини янада ривожлантириш йўли билан эришса бўлади) ва харажатлар коэффициентини пасайтириш ҳисобига суғурта-лаш рентабеллиги кўрсаткичларини сақлаши ва муштаҳамлаши мумкин.

Компания суғурталашнинг барча 17 тоифаси бўйича мажбурий ва ихтиёрий шаклдаги умумий суғурталаш соҳасида ўз фаолиятини амалга оширмақда. «Ўзагросуғурта» ДАСК (АЖ) суғурталашнинг янги турларини жорий этишга катта эътибор беради, бугунги кунда компания тақдим этадиган суғурта турларининг сони 110 тадан ошди. Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудида компаниянинг 14 та дирекцияси, 189 та шаҳар ва туман бўлинмаси, олис қишлоқ жойларда яшовчи аҳолининг суғурта ҳимояси даражасини ошириш мақсадида қарийб 490 та агентлик ваколатхонаси фаолият юритади. Омма орасига сингиш даражаси ва фаолият миқёсининг юқорилиги сифатли суғурта хизматлари кўрсатиш имконини бериб, компаниянинг рақобатбардош афзаллиги саналади. Компаниянинг ушбу барча бўлинмалари суғурта шартномалари тузиш, суғурталанувчилар ва жабрланганларнинг суғурта тўловлари юзасидан талабларини кўриб чиқиш ҳамда суғурта тўловларини тўлаш ваколатига эга. Бўлинмаларнинг Ўзбекистон Республикасининг деярли барча туман ва шаҳарларида мавжудлиги компанияга юқори сифатли суғурталаш хизматлари кўрсатиш, суғурталанувчиларнинг суғурта тўловлари бўйича талабларини тезкор равишда кўриб чиқиш ва ҳал этиш имконини беради.

Кўриб чиқилаётган даврда «Ўзагросуғурта» ДАСК (АЖ) активлари сифати мақбул, дея баҳоланади. 2013 йил якунларига кўра, «Ўзагросуғурта» ДАСК (АЖ) асосий воситалари 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 20,66 фоизга ошиб, суғурта компанияси активларининг қарийб 13,29 фоизини ташкил этди (2012 йил якунларига кўра – 13,58 фоиз).

2013 йил давомида суғурта компаниясининг хусусий капитали жами ҳажми 2013 йил якунларига кўра, 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 81,46 фоизга ошди ва 31,7 млрд. сўмни ташкил этди (2012 йил якунларига кўра – 17,5 млрд. сўм). Шуни қайд этиш лозимки, 2014 йил 9 ойи ичида акциядорлик капитали 2013 йил якунлари билан солиштирганда 2 баравардан кўп ошиб, 23,5 млрд. сўмни ташкил этди. Бунда 2014 йил 9 ойи якунларига кўра, «Ўзагросуғурта» ДАСК (АЖ) хусусий капитали 33,1 млрд. сўмни ташкил этди.

BANK FAOLIYATI

Омонат келтирар даромад

«Агробанк» акциядорлик-тижорат банки «Кексаларни эъозлаш йили» муносабати билан иккита янги омонат турини жорий қилди.

Улардан «Эхтиром» омонатида маблағлар 10 кундан 30 кунгача, 31 кундан 90 кунгача, 91 кундан 180 кунгача ҳамда 181 кундан 365 кунгача сақланиши белгиланган. Ўз навбатида, ушбу муддатли омонатга тўланадиган йиллик устама сақланиш муддатига кўра фарқланиб, омонатчига ҳар ойда бериб борилади. Ҳисобланган, лекин ўз вақтида олинмаган бўнаклар омонатнинг асосий миқдорига қўшилмайди. «Эхтиром» депозитига маблағлар 2015 йилнинг 31 декабригача қабул қилинади.

Банкнинг яна бир янги омонати коммунал ва бошқа тўловлар учун ишлаб чиқилган «Тежамкор» жамғарма депозитидир. Сақланиш муддати 1 йил бўлган ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда омонатчининг коммунал тўловлари учун ўтказиб берилади. Ундан ортган маблағ эса, омонатнинг асосий суммасига қўшилмайди, бироқ сақланиш муддати тугагач, депозитнинг умумий суммасига қўшиб тўланади.

«Тежамкор»га маблағлар жорий йилнинг 1 мартига қадар қабул қилинади.

Ширин БАЙСЕНОВА.

Чакана хизматларга доир тизим

«Ипотека-банк» акциядорлик-тижорат ипотека банки томонидан чакана операцияларни ривожлантириш, мижозларга тақдим этиладиган хизмат турларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада муассаса Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 1438-сонли Қарори талабларига мувофиқ, замонавий технологиялар асосида банк ва мижоз манфаатларига бирдек хизмат қилувчи чакана хизматларни жорий этишда изчил изланишлар олиб бормоқда.

«Ипотека-банк» мутасадди ходимларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилик бошқармаси мутахассислари билан ҳамкорликда банк тизимида ҳисоб-китоб ва ҳисоботларнинг янгича ёндашувларини шакллантириш, замонавий технологиялар ҳамда услубларни жорий қилиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида яратган навбатдаги инновацион хизмат тури – элек-

трон қайднома тизими бўлиб, унда бюджет корхоналари ва ташкилотлари ишчи-ходимларининг ойлик иш ҳақи, унга тенглаштирилган тўловлари UzASBO (Ўзбекистон бюджет ташкилотларининг автоматлаштирилган тизими) дастури орқали банкда очилган пластик карталарга автомат тарзда кириш қилиниши кўзда тутилган.

Мазкур тизимнинг афзалликлари, аввало, иш ҳақи қайдномалари электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда Фазначилик бошқармасининг UzASBO дастуридан банкка махсус ҳимояланган канал орқали жўнатилиб, мижозларнинг пластик карта ҳисобварақларига пул маблағлари автоматик равишда кириш қилинишида намоён бўлади. Шунингдек, у корхона ва ташкилотлар иш ҳақи қайдномаларини банкка қўғоз ва электрон кўринишдаги шакллари тақдим этиш учун сарфлайдиган вақтни тежаш имконини беради.

Наргиз АХМЕДОВА.

Жозибадор хизматлар самараси

Маҳаллий ва хорижий бозордаги чакана хизматлар турини ўзлаштиришда фаол бўлган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки 2014 йилда ҳам ушбу йўналишда самарали натижаларни қайд этди.

Банк аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида сақлаш муддати 2 ойдан 2 йилгача белгиланган миллий ва хорижий валютадаги 15 та янги муддатли омонатни жорий этди. Жумладан, «Қиш зийнати», «Муста-

миллий ва хорижий валютада 33 турдаги омонат амалда бўлиб, улар орасида кекса ёшдаги мижозлар учун «Пенсионный», 16 ёшгача бўлган болалар учун «Нихол», «Бойчечак», шунингдек, «Шодиёна», «Орзу», «Жасорат» каби муддатли омонатлар ҳам мавжуд.

сўмни ташкил этди. Банк пластик карталаридан фойдаланишда ташкиллаштирилган инфратузилма хусусида тўхталиб, айти пайтда савдо-сервис нуқталарида 17 901 дона савдо терминали ўрнатилганини, банк бўлим ва филиалларида 122 та банкомат ҳамда 122 та инфокиоск ишлаб турганини қайд этиш мумкин.

ТИФ Миллий банки пластик карта фойдаланувчилари учун «SMS-хабар», «E-mail-хабар», Web ва IVR-кабинетлари хизмати ҳам манзур бўлмоқда. 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, IVR сервисига 43 486 та, SMS-хабарлаш хизматига 47 800 та, Web-хабарлаш хизматига 2 496 та ва E-mail-хабарлаш хизматига 751 банк мижози уланган бўлиб, мазкур банк бўйича инфоформацион хизматлардан фойдаланаётганлар сони 48 мингтадан ортиқни ташкил қилди.

Бундан ташқари, мижозларнинг алоқа, коммунал ва бошқа хизмат турларига «он-лайн» режимида мобиль телефон ёки интернет орқали тўловларни амалга ошириш имконини берувчи «SMS-to'lov» ва «Click» хизматларига уланиш қўламини ҳам тобора ошиб бормоқда. Хусусан, ҳисобот даврида «Click» тизимидаги мижозлар сони 46,8 мингтага, «SMS-to'lov» тизимидаги мижозлар сони эса 811 тага етди.

Юлдуз ЗОКИРОВА.



килик», «Обод юрт», «Келажак авлод» ҳамда коммунал тўловларни тўлаш учун мўлжалланган «Зангори олов», «Ёрқин», «Чашма» дея номланган депозитлар ўз жозибадорлиги билан йил давомида аҳоли қизиқишига сазовор бўлди.

Жорий йилда ҳам ТИФ Миллий банки ўз депозит сиёсатини мақсадли юритишга жиддий эътибор қаратмоқда. Бундай маҳсулотларни ишлаб чиқишда аҳолининг барча қатламига хос имкониятларни ҳисобга олиб, омонатларнинг шарт-шароитларини такомиллаштиришни назарда тутмоқда.

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, муассасада

Таъкидлаш жоиз, банк томонидан муомалага чиқарилган миллий валютадаги сўм пластик карталари сони 2 млн. 107 мингтадан, шундан «он-лайн» тизимида ишловчи «Smart Vista» пластик карталари сони 634 мингтадан ошган.

2014 йил давомида мижозларнинг махсус сўм карта ҳисобварақларига ўтган йилдагига нисбатан 1,62 баравар кўп, жами 4,18 трлн. сўмдан ортиқ маблағ ўтказилди. Шунингдек, савдо терминаллари орқали пластик карталар бўйича амалга оширилган операцияларнинг умумий ҳажми таққосланаётган даврга нисбатан 1,28 бараварга кўпайиб, 2,7 трлн.

Кичик бизнес субъектлари доимий эътиборда

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти янада эркинлаштирилиши, қўшимча имтиёз ҳамда қулай ишбилармонлик муҳити яратилиши натижасида банк хизматлари ва кредитларига бўлган талаб ҳам ортмоқда.

Шундан келиб чиқиб, банклар ҳам бу жараёнда ўз фаолликлари билан ажралиб турмоқда.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 9 157 млрд. сўм ёки 2013 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп кредитлар, шу жумладан, 1 907 млрд. сўмга яқин миқдордаги микрокредитлар ажратилди ва бу ўтган йилга нисбатан 39 фоиз кўпдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига охириги беш йилда ажратилган кредитлар ҳажми эса қарийб беш баробарга кўпайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига яратилаётган қулай ишбилармонлик муҳити ва имтиёзлар улар салоҳиятининг мамлакатимиз иқтисодиёти (ЯИМ)даги улуши тобора ошиб боришида ўз аксини топмоқда.

2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимиз ЯИМдаги улуши 54,6 фоизни, 2013 йилда бу кўрсаткич 55,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилда 56,0 фоизга етди.

2014 йилда тадбиркорларга ташқи бозорларни ўрганиш ва ўзларининг экспорт салоҳиятларини янада ошириш борасида ҳам бир қатор самарали ишлар амалга оширилди. Бу борада мамлакатимиздаги етакчи банклардан бири ҳисобланган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг ўрни алоҳида эътиборга молик.

2014 йилда мамлакатимизда 500 дан зиёд янги корхона, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятига жалб этилди.

Бу борада ТИФ Миллий банки ҳузурда махсус ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-

қувватлаш жамғармасининг роли янада ошиб бормоқда.

2014 йилда мазкур Жамғарма томонидан 2 400 та тадбиркорлик субъектига ўз товар ва хизматларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатилди. Жамғарма кўмагида тадбиркорлик субъектлари томонидан 1 млрд. 250 млн. АҚШ доллари миқдордаги экспорт шартномалари тузилди. Мазкур шартномалар асосида ўтган йили қиймати 840 млн. доллардан зиёд товарлар экспорт қилинди.

Жамғарма томонидан тадбиркорларга ташқи бозорларни ўрганиш ва чет эллик шерикларни топиш, халқаро тендер савдоларида иштирок этиш, шунингдек, экспорт шартномаларини тузиш, халқаро сертификатлар, руҳсат беришга оид ҳужжатларни олиш ва божхона расмийлаштируви бўйича фаол ёрдам берилмоқда.

Ўтган йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига яратилган қулайликлардан яна бири сифатида ортиқча харажатлар, яъни, қўғозбозликдан воз кечиш, ҳисобот-

ларни тегишли органларга электрон шаклда юборишнинг кенг йўлга қўйилганлигидир. 2014 йил якунлари бўйича тадбиркорлик субъектларининг 98 фоизи солиқ ва статистика ҳисоботларини топширишни, божхона декларацияларини расмийлаштиришни электрон тарзда амалга оширган бўлсалар, 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб барча тадбиркорлик субъектлари солиқ ҳисоботларини 100 фоиз электрон тарзда топширадилар.

Сирасини айтганда, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тижорат банклари томонидан молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, яратилаётган қулай ишбилармонлик ҳамда соғлом рақобат муҳити, ҳуқуқий ҳимоя ва яратилаётган имтиёзларнинг амалдаги ифодаси мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш ҳамда мамлакатимизнинг иқтисодий равнақида рағбатлантирувчи янги омил ва имкониятлар очиб беради.

Ақром КАМОЛОВ, и.ф.н.,
Тошкент банк ҳисоб-кредит
коллежи катта ўқитувчиси.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган Ҳаракат дастури

2015 йилнинг 23 январида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган Ҳаракат дастури тақдим этилди.

Жорий йил 16 январда ўтказилган 2014 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан 2015 йилда ва кейинги йилларда мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантиришнинг стратегик вазифалари белгилаб берилди. Янги таркибдаги Ҳукуматнинг асосий эътибори қаратилиши лозим бўлган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва уларни амалга ошириш механизмлари чуқур очиб берилди. Жумладан, қуйидаги энг муҳим ва долзарб вазифаларга алоҳида аҳамият қаратилди.

Биринчидан, таркибий ўзгартиришларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, саноатнинг етакчи тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилиш ҳисобига иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш.

Иккинчидан, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада тараққий эттириш учун бу йўлдаги барча тўсиқлар ва чеклашларни бартараф этиш, ушбу соҳа ривожига тўлиқ эркинлик бериш.

Учинчидан, иқтисодиётда давлат иштироки даражасини танқидий баҳолаш, уни стратегик ва иқтисодий асосланган даражагача қисқартириш.

Тўртинчидан, корпоратив бошқарув тизимидаги таъминотлар ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, шунингдек, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнларининг корпоратив менежментига доир халқаро замонавий стандартларни жорий этиш.

Бешинчидан, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш.

Олтинчидан, ривожланган инфратузилмани, биринчи навбатда, ахборот-коммуникация тизимларини яратиш, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация қурилиши бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтариш.

Еттинчидан, аҳоли бандлигини таъминлаш, энг аввало, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун янада кенг шарт-шароитлар яратиш.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ушбу стратегик вазифалар Ҳукуматнинг Ҳаракат дастурига асос ва пойдевор ҳисобланади. Қабул қилинган қонун ҳужжатларига таянган ҳолда, 2015 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик устувор йўналишларини ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш – Ҳукуматнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Қайд этилган муҳим устувор вазифаларни амалга

ошириш мақсадида Ҳукумат бир қатор дастурий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқишни ва уларни яқин муддатларда тасдиқлаш учун киритишни таъминлайди. Ушбу лойиҳаларнинг ҳар бирида иқтисодиёт тармоқлари ва инфратузилмани ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлар ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари белгилаб берилади.

Биринчи устувор вазифани амалга ошириш учун – **иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришларни янада кенгайтириш, саноатнинг етакчи тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилишни амалга ошириш доирасида** – саноатни янада ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлайдиган дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Хусусан, **2015 – 2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастурини тайёрлаш доирасида** жами қиймати 38 миллиард долларга тенг бўлган 870 та йирик инвестиция лойиҳаси рўйхати шакллантирилди. Ушбу лойиҳаларга биноан 415 та янги корхона барпо этиш ҳамда 455 та ишлаб турган корхонани модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш назарда тутилмоқда.

Дастурнинг принципиал тарзда ажралиб турадиган жиҳати шундаки, экспортга мўлжалланган, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган маҳсулот турларини аниқлаш ва юқори технологияга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини жадал ривожлантиришга асосий эътибор қаратилган. Булар жумласига тайёр тўқимачилик буюмлари ва яримтайёр маҳсулотлар, полимерлар ва углеводородларни чуқур қайта ишлаш орқали олинadиган бошқа маҳсулотлар, электр-маиший ва электрон товарлар, маиший кимё товарлари, замонавий қурилиш ва пардозлаш материаллари, чармпойабзал, озик-овқат ва фармацевтика саноати маҳсулотлари киради.

Бундай кенг кўламли дастурни амалга ошириш учун Ўзбекистонда етарлича тажриба, ресурс ва имкониятлар мавжуд. Мамлакатимиз Президентининг ташаббусига кўра, сўнгги йилларда республикада бир қатор ноёб, илғор технологияларга асосланган ва энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган саноат корхоналари барпо этилди. Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, «Женерал Моторс Пауэртрейн – Ўзбекистон» қўшма корхонаси, Устюрт газ-кимё комплекси, Самарқанд вилоятидаги оғир юк автомобиллари заводи, замонавий буғ-газ энергоблоклар ва иссиқлик электр станциялари, шунингдек, бошқа бир қатор лойиҳалар шулар жумласидандир.

Республикада ушбу ўта мураккаб лойиҳаларни амалга оширишда тўпланган илмий-техник, муҳандислик-ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳият энг илғор технологиялар жорий этиладиган янги, техник жиҳат-

дан янада мураккаб бўлган лойиҳаларни амалга ошириш учун мустаҳкам пойдевор бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқарилаётган маҳаллий маҳсулотларнинг узоқ йиллар мобайнида рақобатдош бўлиб қолишининг кафолати ҳисобланади.

Ана шу орттирилган тажрибани нафақат саноатнинг базавий тармоқларида, балки бошқа соҳаларда ҳам, энг аввало, қайта ишлаш саноатида кенг қўллаш лозим бўлади. Бунинг учун ташкил этиладиган ишлаб чиқариш объектларига профессионал ва стратегик хорижий инвесторлар ҳамда энг илғор технологияларга эга бўлган компаниялар жалб этилади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра дастурни амалга ошириш куйидаги натижаларга эришиш имконини беради:

– машинасозлик, кимё, нефть-газ-кимё, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати каби юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар жадал ривожлантирилади. Бунинг натижасида саноат маҳсулотларининг 1000 тадан ортиқ янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади;

– саноат ишлаб чиқаришининг 5 йилда 1,5 баробарга ўсиши, саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 24 фоиздан 2020 йилга бориб 27 фоизгача ортиши мўлжалланмоқда;

– юқори технологияли маҳсулотлар экспортини янада ошириш ва 52 мингтадан ортиқ янги иш ўрни яратиш назарда тутилмоқда.

Саноатни ривожлантириш борасидаги яна бир устувор вазифа – **бу ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш** ҳисобланади.

Маҳаллий хомашё ва материалларни чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ҳисобидан импорт ҳажмини оптималлаштириш мақсадида 2015 – 2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш дастури тайёрланмоқда.

Дастур маҳаллий минерал хомашёни чуқур қайта ишлашни ва талаб юқори бўлган 1225 та маҳсулот турини ишлаб чиқаришни таъминлайдиган 600 та лойиҳани ўз ичига олади. Дастурнинг ижроси ҳар йили 3,5 миллиард доллар миқдоридаги импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш ва 13 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Республика Ҳукумати иқтисодиётни изчил ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлиги ва турмуши сифатини оширишнинг энг муҳим асоси сифатида **хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга доир устувор вазифаларни амалга оширишга** алоҳида эътибор қаратади.

Ана шу мақсадда Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилмоқда.

Дастур куйидагиларни назарда тутати: бизнес юришти шарт-шароитларини янада эркинлаштиришни жадаллаштириш; давлат органларининг хусусий бизнесга ноқонуний аралашуви ҳолатларига тўлиқ барҳам бериш; бу йўлдаги барча тўсиқларни ва асоссиз чеклашларни бартараф этиш; очиқ биржа ва ярмарка савдолари орқали кичик бизнеснинг моддий ва хомашё ресурсларидан, кредит ва молиявий механизмлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш.

Давлат бошқаруви ва назорат қилувчи органлар ва

уларнинг мансабдор шахсларининг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуви ва хусусий тадбиркорлик учун тўсиқлар яратиши, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқлари ва кафолатлари бузилиши юзасидан уларнинг масъулиятини кучайтириш бўйича қонунчиликни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Тадбиркорлар манфаатини судлар томонидан ҳимоя қилиш механизмларини кучайтиришга доир таклифлар тайёрланади.

Рўйхатдан ўтказиш ва рухсатномалар олиш механизмларини «ягона дарча» тамойили асосида янада соддалаштириш масалалари асосий диққат-эътибор марказида бўлади. Бунинг учун ҳар бир туманда Тадбиркорлар учун ягона марказ ташкил этиш таклиф этилмоқда. Унинг асосий вазифаси – мулкка бўлган ҳуқуқларни расмийлаштириш, бизнес субъектларига ер участкалари бериш, қурилиш ва объектларни инфратузилма тармоқларига улаш билан боғлиқ бўлган рухсатномалар ва тартиб-қоидаларни соддалаштириш ва арзонлаштиришдан иборат.

Давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш бўйича устувор вазифаларни амалга ошириш учун 2015 – 2016 йилларда давлат мулкни хусусийлаштириш дастурини шакллантириш якунланмоқда. Ушбу Дастур куйидагиларни назарда тутати:

– тўла қувват билан ишламаётган 660 тадан кўпроқ давлат корхонасини тугатиш ва очиқ савдо орқали янги хусусий мулкдорлар тасарруфига ўтказиш;

– стратегик аҳамиятга эга бўлмаган 360 та корхонадаги давлат улушини тўлиқ равишда сотиш;

– фойдаланилмаётган 400 тадан ортиқ давлат мулки объектини «ноль» қиймати бўйича сотиш. Бу, ўз навбатида, қисқа муддатларда стратегик хорижий инвесторлар ва замонавий технологияларни жалб этиш имконини беради;

– хусусий инвесторларга 450 миллиард сўмлик қўшимча акцияларни фонд бозорида сотиш орқали ишлаб турган 203 та корхонадаги давлат улушини 51 фоизгача қисқартириш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган Дастурни амалга ошириш натижасида давлат мулки бўлган қарийб 1000 та объект очиқ савдоларда сотилади, устав капиталда давлат улуши бўлган корхоналар сони эса 534 тадан 147 тагача, яъни 3,6 баробарга камаяди.

Корпоратив бошқарув тизимидаги тамойил ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш бўйича энг муҳим устувор йўналишни амалга ошириш мақсадида мулк таркибида давлат улуши бўлган 1100 тадан ортиқ акциядорлик компанияси ва бошқа хўжалик бирлашмалари фаолиятининг самарадорлигини танқидий кўриб чиқиш ҳамда бу соҳада Япония, Жанубий Корея, Германия ва бошқа ривожланган мамлакатларда қўлланилаётган менежмент тизимлари асосида янги услуб ва ёндашувларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш мўлжалланмоқда.

Корпоратив бошқарув тизимида тамойиллар ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш чора-тадбирлари дастурини тайёрлаш доирасида давлат улушига эга бўлган акциядорлик компанияларининг янги намунавий ташкилий тузилмаси ва уларнинг ходимларига қўйиладиган талаблар тасдиқланади ҳамда вазифалари белгиланади.

Бундан асосий мақсад – бошқарув ходимлари ва мутахассислар лавозимлари номи ва функционал вазифаларини ўзгартирибгина қолмай, балки уларнинг фаолият кўрсатиш тамойилларини тубдан ўзгар-

тиришдан иборатдир. Бу эса, ўз навбатида, ривожланиш учун ўзаро ҳамкорлик ва ташаббускорликка янги туртки беради.

Навбатдаги муҳим вазифа – бугунги кунда аксарият ҳолларда эскича маъмурий-буйруқбозлик усулида корхонани бошқараётган самарасиз директорлик корпусидан батамом халос бўлиш. Бундан мақсад – корхоналарни бозор иқтисодиётини чуқур биладиган ва юксак профессионал малакали янги менежерлар бошқаришига эришишдир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришни янги босқичга кўтариш Ҳукумат фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлади.

Ҳозирги вақтда бу борадаги таркибий қайта ўзгартиришларни давом эттиришга, илғор агротехнологияларни жорий этишга, соҳани комплекс механизациялаш ҳамда хомашё ресурсларини қайта ишлашни чуқурлаштиришга қаратилган ҳужжатлар лойиҳаси тайёрланмоқда.

Республикамиз фермерлари билан жойларда бўлиб ўтган учрашувларда ва Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга ошириш масалалари бўйича халқаро конференцияда давлатимиз Президенти томонидан белгилаб берилган вазифаларга мувофиқ 2015 – 2019 йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилмоқда. Дастур ҳосилдорлиги паст бўлган ғўза майдонларини қисқартириш, бўшайдиган ерларга мева-сабзавот, полиз, картошка ва бошқа озиқ-овқат экинларини жойлаштириш, интенсив боғлар барпо этиш ҳисобига экин майдонларини босқичма-босқич оптималлаштиришни назарда тутди. Селекция ва уруғчиликни янада ривожлантиришга, шу жумладан, ғўза ва дон экинларининг янги, юқори самарали, шўрга ва қурғоқчиликка чидамли навларини яратишга доир чора-тадбирлар амалга оширилади.

Дехқон ва фермерларимизни ўзимизда ишлаб чиқарилган замонавий техникалар билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида «Ўзагросаноатмашхолдинг» компанияси корхоналарида «Клаас», «Лемкен» ва бошқа етакчи компаниялар билан ҳамкорликда замонавий, юқори самарали тракторларни, модернизация қилинган пахта териш машиналари, ғалла ўриш комбайнларини ва бошқа техникаларни ишлаб чиқариш ташкил этилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг муҳим асоси ва кафолати сифатида суғориладиган ерларнинг ҳосилдорлигини оширишга Ҳукумат алоҳида эътибор қаратади. 2013 – 2017 йилларда Суғориладиган ерларни мелиоратив жиҳатдан яхшилаш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш изчил давом эттирилади. Дастур ирригация иншоотлари комплексини қуриш ва реконструкция қилишни ҳамда янада замонавий, энергияни тежайдиган асбоб-ускуналар ўрнатишни назарда тутди. Бундан мақсад – 5 йил давомида 1 миллион 400 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишни таъминлашдан иборатдир.

Сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ишларини давом эттириш, жумладан, боғлар ва узумзорларни томчилатиб суғориш тизимларини кенгайтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу эса ҳар йили 1 миллиард кубометргача сувни тежаш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш – навбатдаги муҳим вазифа

ҳисобланади. Ушбу мақсадда озиқ-овқат саноатида 391 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш, камида 1 миллион 300 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ҳажмига эга бўлган 2 мингдан ортиқ замонавий совитиш камераларини қуриш, сақлаш жойларининг умумий ҳажмини 2 миллион тоннагача етказиш назарда тутилмоқда. Айни вақтда ўзаро боғланган логистика тизими ривожлантирилади.

Аграр соҳада кўрсатиб ўтилган ва бошқа чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2015 – 2019 йилларда озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш ва озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турлари билан республиканинг ўзини ўзи таъминлаши, шунингдек, ташқи бозорларда талаб юқори бўлган ушбу маҳсулотлар экспортини сезиларли ошириш таъминланади.

Мамлакатимизда **ахборот-коммуникация тизимини, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация қурилишини ривожлантириш бўйича устувор йўналишни** амалга ошириш доирасида барча инфратузилма соҳаларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш, шунинг ҳисобидан ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жаҳон бозорларига чиқариш харажатларини камайтириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Транспорт коммуникацияларнинг узоқлиги ва денгиз портларига тўғридан-тўғри чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги Ўзбекистон учун жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳозирги вақтда ташқи савдо камида 2-3 та давлат ҳудуди орқали транзит йўли билан амалга оширилмоқда. Натижада юкларни етказиб беришнинг қиймати ошмоқда, бу эса республикадаги корхоналар экспортининг рақобатдошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан, 2015 – 2019 йилларда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурида, энг аввало, автомобиль ва темир йўлларни, логистика марказлари ва коммуникацияларни янада ривожлантиришга доир аниқ чоралар кўриш назарда тутилган. Бу борада умумий қиймати 10 миллиард долларлик 150 тадан ортиқ лойиҳани амалга ошириш лозим бўлади.

Мамлакат темир йўл коммуникациясини ривожлантириш ва электрлаштириш бўйича 13 та лойиҳа, жумладан, «Ангрен – Поп», «Мароқанд – Қарши», «Қарши – Термиз», «Мароқанд – Бухоро» йўналишлари бўйича лойиҳаларни белгиланган муддатда бажариш алоҳида назоратга олинади.

Ўзбекистон Миллий автомагистралининг 1 минг 800 километр узунликдаги участкаларини, Қарши, Қўқон, Тошкент, Бухоро, Гулистон шаҳарларини айланиб ўтувчи янги йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш, маҳаллий аҳамиятга молик йўлларни модернизация қилиш таъминланади.

Ҳукумат инфратузилмани ривожлантириш доирасида 2013 – 2020 йилларда миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилиши устидан назоратни кучайтиради. Бу дастур барча ҳудудларнинг, шу жумладан, олис ва чекка ҳудудларнинг рақамли телевидение тизимига тўлиқ ўтишини тугаллаш, республика ҳудудларини мобиль алоқа билан қамраб олиш даражасини 80 фоиздан 95 фоизгача ошириш имконини беради. «Электрон ҳукумат» тизими ва интернетнинг самарали ишлаши учун ишончли техник база таъминланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган дастурий чора-тадбирларни амалга оширишда Ҳукуматнинг асосий эътибори аҳоли бандлигини, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича устувор йўналишни амалга оширишга қаратилади.

Биринчи навбатда, бу иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларнинг эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича ҳар йилги дастурларни ишлаб чиқишни кўзда тутди. 2015 йилда 1 миллионга яқин, жумладан, қишлоқ жойларда 604 мингта янги иш ўрни ташкил этиш зарур. Асосий мақсад – корхоналарнинг аниқ буюртмалари асосида малакали мутахассисларни тайёрлаш дастурига мувофиқ касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларининг ҳар бир битирувчисини ўзи танлаган мутахассислигига кўра ишга жойлаштиришни таъминлашдан иборат.

Глобал товар бозорларидаги ноаниқлик ва беқарор вазиятни, кўплаб йирик мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари пасайгани ҳамда бошқа жиддий таҳдидларни эътиборга олиб, Ҳукумат ўз фаолиятини қандай мураккаб шароитларда амалга ошириши кераклигини яхши англайди. Шунинг учун 2015 йилдаги энг муҳим устувор вазифаларни амалга ошириш билан бир пайтда бир қатор мақсадли вазифаларнинг бажарилиши – республика Ҳукуматининг доимий диққат-эътиборида бўлади.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз энг авж олган пайтда – 2008 йилда мамлакат Президенти томонидан ишлаб чиқилган ва ўз вақтида қабул қилиниб, муваффақиятли амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастури ўзининг нақадар тўғри ва самарадорлигини ҳар томонлама исботламоқда. Шунинг учун макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича ўзини оқлаган чора-тадбирлар ва механизмлардан фойдаланиш масалалари устувор вазифа сифатида сақланиб қолади.

Кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларини замонавий компьютер ва ўқув-лаборатория ускуналари билан тўлиқ жиҳозлашни янада жадаллаштириш, талаб юқори бўлган, бугунги ёшларимиз учун зарур билимлар ва фанларни, жумладан, ахборот технологияларини, чет тилларини, тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш амалиёти янада кенгайтирилади.

Шу билан бирга, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Васийлик Кенгашининг умумтаълим мактабларида 1 минг 700 та замонавий спорт зали қуриш ва жиҳозлаш ҳамда 153 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабини ва ихтисослашган олимпия захираси мактабларини асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминлаш борасидаги қарорлари ижросини амалга ошириш лозим бўлади.

Шунингдек, Она ва бола соғлигини муҳофаза қилишнинг миллий моделини амалда татбиқ этиш, асосан профилактик тадбирларга ўтиш ва соғлом турмуш тарзи тамойилларини жорий қилиш дастурини амалга ошириш давом эттирилади. Қишлоқ врачлик пунктлари иши самарадорлигини оширишга, тиббиёт муассасаларини замонавий даволаш ва диагностика ускуналари билан жиҳозлашни жадаллаштиришга ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида аҳамият берилади.

Аҳолининг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, жумладан, сифатли ичимлик суви, табиий ва суюлтирилган газ, замонавий санитария-тозалаш тизими билан таъминлаш ҳамда коммунал хизматлар сифатини янада яхшилаш, шунингдек, шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасидаги муҳим масалалар ҳам Ҳукуматнинг доимий диққат-эътиборида бўлади. Республика аҳолиси турмуш маданиятини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш тугалланади ва тақдим этилади.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича ўзини амалда тўлиқ оқлаган, зарур ижтимоий ва бозор инфратузилмаси шакллантирилган, ҳар томонлама қулайликка эга бўлган якка тартибдаги уй-жой қурилиши дастурини амалга ошириш давом эттирилади ва унинг кўламлари янада кенгайтирилади.

2015 – 2016 йиллар мобайнида 25 мингта намунавий уй-жойни ва барча замонавий инфратузилмага эга шинам қишлоқ массивларини ўз вақтида ва сифатли қуришни таъминлаш ишларини амалга ошириш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Ишлаб чиқиляётган «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида чора-тадбирларнинг катта комплексини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Барқарорлик, хавфсизлик, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва ижтимоий адолат принципларига амал қилишни таъминлаш борасида Президентимиз томонидан белгилаб берилган энг муҳим вазифалар, шак-шубҳасиз, Ҳукуматнинг эътибор марказида бўлади.

Иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар борасидаги устувор вазифаларнинг самарадорлиги Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар, барча даражадаги ҳокимликлар фаолиятининг самарадорлиги билан белгиланади. Шу сабабли маъмурий-буйруқбозлик тизимининг қолдиқларини ва эскирган бошқарув усулларини қатъий бартараф этиш, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг янада чуқурлаштирилишини таъминлаш муҳим вазифа сифатида кўйилади.

Шу муносабат билан Ҳукумат маъмурий тартиб-қоидалар соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга доир тегишли таклифларни тайёрлайди ва Парламентга киритади. Ушбу таклифлар ижро этувчи ҳокимият органлари ишида замонавий усулларни жорий этишни, ички идоравий назорат механизмини кучайтиришни, қабул қилинаётган қарорлар натижадорлиги учун мансабдор шахсларнинг масъулиятини янада оширишни назарда тутди.

Юқорида билдирилган энг муҳим вазифаларни ва Ҳаракат дастурини амалга ошириш – республика Ҳукуматининг ҳар бир аъзосидан ҳамда барча даражадаги раҳбарлар фаолиятида янги самарали ва замонавий ёндашувларни талаб этади. Шу билан бирга, пировард натижаларга эришиш учун уларнинг шахсий масъулияти янада ортади.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг изчил ва барқарор ривожланиши ва раванқ топиши юзасидан мамлакат Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов томонидан белгилаб берилган стратегик вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб кўяди.

IQTISODIYOT TARMOQLARIDA

Экспорт салоҳияти

Бухоро вилоятининг жорий йилги экспортида мева-сабзавот, умуман, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улуши кескин ошади.

Хисоб-китобларга кўра, чет эллик буюртмачиларга 83,8 млн. долларлик ноз-неъматлар етказиб берилди.

Бу ҳақда вилоят божхона бошқармасида ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари, божхона расмийлаштируви мутахассислари иштирокида ўтказилган давра суҳбатида батафсил маълумот берилди.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрда қабул қилинган «Экспорт операцияларини «бир дарча» тамойили бўйича амалга ошириш механизмини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2014 йил 4 декабрдаги «2015 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз ва узум ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланиш прогноз параметрлари тўғрисида»ги қарорлари бунда муҳим омил бўлмоқда.

– Экспортга тавсия этилган маҳсулотлар тури ва уларнинг нархи, экспорт қилувчи хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатига кириш тартиби, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчилар учун яратилган имтиёз ва қулайликлар юзасидан зарур маълумотларга эга бўлдик, – дейди Когон туманидаги «Шаҳбоз Шаҳром» хусусий корхонасининг божхона расмийлаштируви мутахассиси А. Қурбонов.

Вилоят божхона бошқармасининг «Бухоро» ташқи иқтисодий фаолият божхона постида белгиланган тартиб асосида маҳсулотларни экспортга жўнатиш билан боғлиқ тартиботлар механизми жорий этилган. Постда «Бухороэкспертиза» шўъба корхонаси, вилоят транспорт ветеринария назорати пункти, Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ва табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси тузилмалари экспортчи корхоналарга тегишли хизматлар кўрсатмоқда.

Имтиёзлар соҳа ривожига
хизмат қилмоқда

Президентимизнинг «2014-2016 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида Андижон вилоятида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.



Хусусан, рақобатбардош маҳсулот ва қўшимча буюмлар ишлаб чиқариш кенгаймоқда, тармоқлараро ҳамкорлик мустаҳкамланиб, тадбиркорларга имтиёзлар берилмоқда.

Бу борадаги ишларнинг самарали йўлга қўйилишида божхона хизматининг алоҳида ўрни бор. Андижон вилояти божхона бошқармаси мутахассислари назоратни таъминлаш ва товар айланмасини тартибга солиш, ташқи савдони ривожлантириш бўйича корхоналарга амалий кўмак бермоқда.

Шаҳрихон туманидаги «SDK Group And» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонада йилига 3 млн. дондан зиёд

автомобилларнинг мой, ҳаво ва ёнилғи филтрлари ишлаб чиқарилаётир.

Вилоят божхона бошқармаси бўлим бошлиғи Ф.Тошхўжаевнинг айтишича, ушбу корхонага хориждан келтирилган 761,23 минг АҚШ долларлик хомашёга божхона тўловлари бўйича 726,7 млн. сўм имтиёз берилган. Бу, албатта, корхонага катта иқтисодий фойда келтириш билан бирга, ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш имконини бермоқда.

Дарҳақиқат, хориждан келтирилаётган хомашё, ишлаб чиқариш технологияларига божхона тўловлари бўйича берилмоқда имтиёзлар «SDK Group And» каби кўплаб корхоналар фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосан соҳа вакилларига қатор қулайлик ва енгилликлар яратилди. Хусусан, товарларнинг божхона расмийлаштируви муддати 10 кундан 3 кунга қисқартирилди. Ишбилармонликни қўллаб-қувватлашга қаратилган бу каби ишлар божхона хизмати сифатини янада юксалтириш имконини бераётир.

Истиқболли лойиҳалар

Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, рақобатбардошлигини ошириш, таркибий ўзгартишларни чуқурлаштириш ва тармоқларни диверсификациялаш борасида амалга оширилаётган ишлар Пискент туманида ҳам ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 12 июлдаги «2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Мазкур ҳужжат ижроси юзасидан ишлаб чиқилган манзилли дастурга мувофиқ, туманда ўтган йиллар давомида енгил саноат ва қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Азалея гармент» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси, «Диёрбек Чарос», «Мухиддин Сиддиқ ўғли» хусусий фирмалари каби тўққизта корхона ишга туширилди. Натижада 700 нафарга яқин киши иш билан таъминланди. Уларнинг турмуш фаровонлиги йилдан-йилга юксалиб, эртанги кунга бўлган ишончи мустаҳкамланиб бораётир.

Энг замонавий дастгоҳлар билан таъминланган «Хамкор савдо» масъулияти чекланган жамиятида махсус иш кийимлари, қўлқоп ҳамда фартуклар тайёрланмоқда.

Айни пайтда бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларнинг асосий қисми доимий миждоз-



ларга пешма-пеш етказиб берилмоқда. Бир қисми ички бозорда сотилаётир.

– Корхонамизда хомашё танлашдан тортиб тайёр маҳсулотни қадоқлашгача бўлган жараён қатъий назоратга олинган, – дейди «Хамкор савдо» раҳбари Бахтиёр Мираҳмедов. – Бу маҳсулотларимизнинг сифатли ва харидоргир бўлишини таъминлаётир. Президентимизнинг биз, тадбиркорларга яратиб бераётган кенг имкониятлардан самарали фойдаланиб, келгусида ишлаб чиқариш қувватини, ишчи-хизматчиларимиз сонини янада оширамиз.

175 минг АҚШ доллари эвазига ташкил этилган мазкур

жамиятда ҳозирги кунда ўн беш нафар киши меҳнат қилмоқда. 2014 йилда тумандаги технология касб-хунар коллежини тамомлаган Юлдуз Файзуллаева улардан бири.

– «Хамкор савдо»да иш бошлаганимга олти ой бўлди, – дейди у. – Шу қисқа фурсат ичида турли ўлчамда махсус иш кийимлари бичиб, тикишни пухта ўрганиб олдим. Бунда коллежда олган билим ва кўникмам кўл келди.

Туман иқтисодиёт бўлимидан олинган маълумотларга кўра, Пискентда 2013-2015 йилларда умумий қиймати 2 млн. 742 минг АҚШ долларига тенг ўн иккита лойиҳа амалга оширилади.

Сарҳисоб ва режалар

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 2014 йилги фаолияти якунлари ва жорий йилда белгиланган режаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз темир йўллари ўзида транспорт коммуникацияларининг мустақил, ягона ва яхлит тизимини муҳасам этиб, трансминтақавий транспорт коридорларининг энг муҳим бўғини сифатида халқаро темир йўл ташуви тизимида муносиб ўрин эгалламоқда.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 21 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Қарори ижросига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, янги магистрал ва вокзаллар қурилиши, мавжуд темир йўл тармоқларини модернизация қилиш ва қўшимча йўналишлар ташкил этиш ишлари давом эттирилмоқда.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси томонидан 2014 йилда инвестиция дастурлари доирасида 669 млн. доллардан ортиқ маблағ ўзлаштирилди. Инвестиция маблағлари Мароқанд – Қарши ва Қарши – Термиз темир йўл участкаларини электрлаштириш, Тошкент – Самарқанд участкасида юқори тезликдаги ҳаракатланишни ташкил этиш, электрлаштирилган икки йўлаккли янги Жиззах – Янгиер

участкасини қуриш каби лойиҳаларга йўналтирилди. Айни пайтда 54 локомотив модернизация ва 1,4 мингдан ортиқ юк вағони реконструкция қилинди. Шунингдек, 650 янги юк ва 30 йўловчи вагонлари тайёрланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси маълумотларига кўра, бугунги кунда Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўл қурилишини якунлаш орқали Ўзбекистон Республикасининг яхлит, мустақил темир йўл тузилмасини шакллантириш компания фаолиятининг энг муҳим вазифаларидандир. 2014 йилда ушбу лойиҳани амалга ошириш доирасида 403,5 млн. доллар ўзлаштирилди.

Ўтган йили компания томонидан маҳаллий йўналишларда 80 млн. тонна юк ташилиб, 329,6 млн. доллар миқдорда экспорт хизматлари кўрсатилди ва 305,1 млрд. сўмлик саноат товарлари ишлаб чиқарилди. Йўловчи ташиш ҳажми эса 20 млн. кишини ташкил этди.

Самарқанд – Бухоро участкасидаги темир йўл линиясини электрлаштириш бўйича ишлар бошлаб юборилди. Ушбу лойиҳа самарасида сарф-харажатлар 36 фоиз қисқариб, атроф-муҳитга етказиладиган зарар сезиларли даражада камаяди.

QONUNCHILIKDAGI YANGILIKLAR

Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

Уй-жой-коммунал хизматларига компенсацияларни тўлаш тартиби ўзгартирилди

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи (Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 9 январда 2175-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритилди.

Унга мувофиқ, уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация суммаси жисмоний шахсларнинг жами даромадига қўшилади ҳамда иш ҳақи (пенсиялар, нафақалар) тўланадиган муддатларда тўланади. Бунда компенсацияларни тўлаш тартиби ўзгартирилмади.

Компенсация олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга компенсация уни олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатни илова қилган ҳолда компенсация тайинлаш тўғрисида ариза топширилган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан тайинланади. Эслатиб ўтамизки, илгари ишламайдиган

пенсияларга компенсация пенсия ҳужжатларида мавжуд ҳужжатлар асосида, яъни қўшимча аризаларсиз тўланар эди. Зарурат туғилгандагина бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими пенсионернинг компенсация олиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган қўшимча ҳужжатлар талаб қилишга ҳақли эди. Компенсация олиш ҳуқуқига эга бўлган, пенсия тайинланиши учун биринчи марта мурожаат қилган шахсларга компенсация пенсия тайинлаш тўғрисида ариза топширилгандан кейин тайинланиши назарда тутилган эди.

Шунингдек, Низомда компенсация тўланиши

тўхтатиб турилиши ва тўхтатилиши ҳолатлари аниқлаштирилди.

Фуқаронинг суд ҳукми бўйича озодликдан маҳрум этиш жойларида бўлган вақти учун компенсация тўланмайди. Фуқаро озод бўлгандан кейин компенсация тўлаш компенсацияни тўлашни тиклаш тўғрисида ариза берилган кундан бошлаб тикланади. Компенсацияни тўлаш фуқаро томонидан компенсацияни тўлашни тиклаш тўғрисида ариза тақдим этилгандан, шунингдек, шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатгандан сўнг тикланади.

Низомга бир қатор ўзгартиришлар киритилди.

Давлат органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилишнинг ўзгартирилган янги тартиби

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғи (Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 31 декабрда 2352-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларга ўзгартириш ва қўшимча киритилди.

Шуни эслатиб ўтамизки, ишлаб чиқилган лойиҳага илова қилинадиган материаллар орасида қонун концепцияси баён этилган ёки мазмуни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасининг мақсадга мувофиқлигини асослашдан иборат тушунтириш хати назарда тутилади. У ишлаб чиқувчи томонидан тайёрланади ва унинг биринчи раҳбари томонидан имзоланади, унда Услубий кўрсатмаларда назарда тутилган маълумотлар рўйхати келтирилади.

Киритилган қўшимчалар билан мазкур маълумотлар рўйхати кенгайтирилди. Энди тушунтириш хатида лойиҳанинг муҳокамадан ўтказилганлиги ва унинг натижалари ҳақидаги маъ-

лумотлар, агар бу ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали баҳолаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг (Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги 328-сонли қарори билан тасдиқланган) 4-бандига назарда тутилган бўлса, кўрсатилиши керак. Бундай маълумотнинг мавжуд бўлмаслиги, Адлия вазирлиги томонидан лойиҳа ишлаб чиқувчига ҳуқуқий экспертиза ва таҳлилдан ўтказилмасдан қайтарилиши учун сабаб бўлиши мумкин.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш тартиби аниқлаштирилди

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғи (Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 31 декабрда 2565-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига қўшимча киритилди.

Маълумки, мазкур Қоидалар бўйича вазирлик ёки идоранинг юридик хизмати томонидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини қабул қилиш жараёнида маълумотнома тайёрланади. Юридик хизмат мавжуд бўлмаган тақдирда, маълумотнома идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлаш учун масъул бўлган таркибий бўлинма томонидан тайёрланиши ва вазирлик ёки идора раҳбари ёхуд унинг ўринбосари томонидан имзоланиши мумкин.

Ушбу маълумотномада куйидагилар акс эттирилади:

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш учун асос (вазирлик ва идора ваколати, ушбу ҳужжатга киритилган масалаларни ҳал этиш топширилган ёки бундай ҳуқуқ берилган юқори органнинг қарори, ҳужжат қабул қилиниши учун асос бўлиб хизмат қилган бошқа ҳолатлар);

ушбу орган томонидан мазкур масала бўйича муқаддам қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар;

ушбу масала бўйича муқаддам бошқа органлар томонидан қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мазкур ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан уларни ўзгартириш ёки ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида таклифлар тайёрланиши ҳақидаги маълумотлар.

Киритилган қўшимчаларга мувофиқ, энди юридик хизмат маълумотномасида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг муҳокамадан ўтказилганлиги ва унинг натижалари ҳақидаги маълумотлар ҳам (агар ушбу ҳужжат Ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали баҳолаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг (Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги 328-сонли қарори билан тасдиқланган) 4-бандига мувофиқ муҳокама қилиниши керак бўлса) акс эттирилиши лозим.

Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари оширилди

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг қўшма қарори (Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 30 декабрда 2645-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тасдиқланди.

Президентимизнинг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони (2014 йил 21 ноябрдаги ПФ-4672-сон) мувофиқ, олий ва ўрта махсус, касб-хунара таълими ва илмий-тадқиқот муассасаларида, қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларида, ўқув курсларида ўқув машғулотлари ўтказганлик учун, умумтаълим мактаблари педагог ходимларига ўтган дарси учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари 2014 йил 15 декабрдан бошлаб ўртача 10 фоизга оширилади.

Фанлар академияси академиклари меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари 15 фоизга оширилади. Конкурс ва танловлар ҳакамлар ҳайъати аъзолари, шунингдек, конкурс ишлари тақризчилари меҳнатига ҳақ тўлашда олий таълим муассасалари талабалари билан ўқув машғулотлари олиб борганлик учун тўланадиган соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари қўлланилади.

Курслар тингловчилари, ўрта махсус, касб-хунара маълумоти талаб этиладиган лавозимларни эгаллаб турган ишчилар, ходимлар учун ўқув машғулотларини ўтказишда кўрсатиб ўтилган меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тавсиявий хусусиятга эга.

Шунингдек, таъкидлаш жоизки, соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари академик соатдан келиб чиқиб белгиланган ва уларнинг таркибига меҳнат таътили ҳақи киритилган.

Белгиланишича, таълим муассасаларида соатбай ҳақ тўлаш асосида ўқув машғулотларини ўтказиш учун шахсларни жалб қилиш, фақат муайян муассаса штатидаги ўқитувчилар таркиби томонидан ўтказилмайдиган ўқув машғулотлари ва фанлари учун кўзда тутилади.

ТАHLIL

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил январь-декабрь ойларидаги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари

Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар


Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2014 йил январь-декабрь ойларида республика ЯИМ 2013 йил билан солиштирилганда 8,1 фоизга ўсди.

Харид қобилияти паритетига мувофиқ, ҳисобланган ялпи ички маҳсулот ҳажмига кўра, дунёнинг 190 мамлакати орасида Ўзбекистон 66-ўринга кўтарилди.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун янада қулай шароитлар яратиш, шу жумладан, бизнес ташкил этишда «ягона дарча» тамойилини жорий этиш, кичик бизнес субъектларининг статистик ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиш механизмини сезиларли даражада соддалаштириш, хусусий тадбиркорларнинг хомашё ресурсларидан фойдаланиш имкониятини анча кенгайтиришга доир тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 2000 йилдан буён ўтган даврда 31 фоиздан 56 фоизгача, саноат ишлаб чиқаришида эса 12,9 фоиздан 31,1 фоизгача ўсди.

2014 йилда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоизга ошди, шу жумладан, озиқ-овқат товарлари – 8,7 фоизга ва ноозиқ-овқат товарлари – 10,0 фоизга.

2010-2014 йилларнинг январь-декабрь ойларида саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилишининг ўртача ўсиш суръати 8,1 фоизни ташкил этди, бу 2014 йил январь-декабрь ойлари якунларига кўра, 2010 йил даражасига нисбатан 136,3 фоизга эришиш имконини берди.



Қишлоқ хўжалиги

2014 йил якунларига кўра, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 36 957,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 6,9 фоизга ўсди. 2010-2014 йилларнинг январь-декабрь ойларидаги ўртача йиллик ўсиш ҳам қишлоқ хўжалигида 6,9 фоизни ташкил этди ва 2014 йил якунларига кўра, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми 2010 йил даражасига нисбатан 130,5 фоизни ташкил этди.

Фидокорона меҳнат ва замонавий агротехнологиялар жорий этилиши туфайли 3 млн. 400 минг тоннадан ортиқ республика пахта хирмонини кўтариш ва 8 млн. 50 минг тонна бошоқли галла экинлари ҳосилини олишга эришилди.

Инвестициялар ва қурилиш

2014 йилда иқтисодиётга инвестициялар ҳажми 9,6 фоизга ўсди ва 33 715,3 млрд. сўмни ташкил этди (эквивалентда 14,6 млрд. АҚШ доллари). Бунда жами капитал қўйилмаларнинг 21,2 фоиздан ортиғи ёки 3 млрд. доллардан зиёдини хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил қилди. Уларнинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.


Ўтган йили корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига хусусий инвестициялар 10,3 фоизга ошди ва эквивалентда 4,3 млрд. долларни ёки барча инвестициялар ҳажмининг қарийб 30 фоизини ташкил этади. Тижорат банкларининг инвестициявий фаолияти кенгайди. Улар йил мобайнида инвестиция мақсадларига 1,7 млрд. доллар ёки ўтган йилдагидан 20 фоизга кўп маблағ йўналтирилди.

Жадвал.

инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш соҳасига ва қарийб 40 фоизи машина ва ускуналар харид қилишга сарфланди.


2014 йилда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган, умумий қиймати 4,2 млрд. долларга тенг бўлган 154 та йирик объект фойдаланишга топширилди.

2010-2014 йилларнинг январь-декабрь ойларида инвестициялар ҳажмининг ўртача йиллик ўсиши 9,5 фоизни ташкил этди. 2014 йил январь-декабрь ойларининг якунларига кўра, инвестициялар ҳажми 2010 йил даражасига нисбатан 144,5 фоизни ташкил этди.



Хизмат кўрсатиш соҳаси

2014 йил якунларига кўра, кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 15,7 фоизга ошди, уларнинг ЯИМ таркибидаги улуши эса 53 фоиздан 54 фоизгача ўсди. Ҳозирги пайтда мазкур соҳада иқтисодиёт соҳасида банд бўлганларнинг 50 фоиздан ортиғи меҳнат қилмоқда. Ҳар йили яратилган янги иш ўринларининг, аввало касб-хунар коллежларини битирувчи ёш мутахассислар учун ташкил этилаётган иш ўринларининг учдан бир қисмидан кўпроғи мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келади. 2010-2014 йилларнинг январь-декабрь ойларидаги бозор хизматлари ҳажмининг ўртача ўсиши 14,0 фоизни ташкил этди.




Тақдим этилаётган хизматларнинг таркиби ўзгармоқда. Мобиль алоқа, юқори тезликда ишлайдиган интернет, кабелли телевизион алоқа, массофавий банк хизматлари, қишлоқ хўжалиги техникаси, автомобиллар ва технологик ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш каби замонавий юқори технологиялар асосидаги хизмат турлари аҳоли ўртасида тобора оммалашиб бормоқда.

Сўнгги беш йилда аънавий маиший ва коммунал хизматлар улуши 16 фоиздан 9,5 фоизга тушди, юқори технологиялар асосидаги хизматлар улуши эса 21,2 фоизга қадар кўтарилди.


Юқори технологияларга асосланган хизматлар орасида кейинги йил-

ларда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бошқа соҳаларга нисбатан жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу хизматлар ҳажми сўнгги беш йилда 3,3 баробар, ўтган йили эса 24,5 фоизга ўсди.



Чакана савдо. Январь-декабрь ойларида чакана товар айланмаси ҳажми 58 643,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 14,3 фоизга ўсди. 2010-2014 йилларнинг январь-декабрь ойларидаги ўртача ўсиш 14,5 фоиз даражасида эканлиги кузатилмоқда.

Юк ташиш ҳажми. Кўриб чиқилган даврда юк ташиш ҳажми 86 474,6 млн. тн.-км ни ташкил этди. Мазкур кўрсаткич 2013 йилнинг шу давридаги ҳажмдан 3,3 фоиз ортиқдир.



Йўловчи ташиш. Кўриб чиқилган даврда йўловчи ташиш ҳажми 100 095,7 млн. йўловчи-км ни ташкил этди, бу 2013 йилги кўрсаткичдан 5,8 фоизга ортиқдир. 2010-2014 йилларнинг январь-декабрь ойларидаги йўловчи ташиш ҳажмининг ўртача йиллик ўсиши 7,3 фоизни ташкил этди.



Истеъмол нархлари индекси (ИНИ) бўйича нархлар даражаси

2014 йилнинг декабрь ойида нархлар даражасининг ўсиш кўрсаткичи – истеъмол нархлари индекси (ИНИ) 2013 йилнинг декабрига нисбатан 6,1 фоизни ташкил этди. 2010-2014 йиллардаги ўртача йиллик ўсиш 7,0 фоизни ташкил этди.



Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)

2014 йил январь-декабрь ойларида мамлакат ЯИМ ҳажми 144 867,9 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этди, бу ўтган йилнинг январь-декабрь ойларидаги кўрсаткичдан 8,1 фоизга юқоридир. 2010-2014 йиллар мобайнида ЯИМ ўсишининг юқори суръатлари кузатилди. Январь-декабрь ойларида ЯИМнинг ўртача ўсиши 8,2 фоизни ташкил этди. 2014 йил январь-декабрь ойлари якунларига кўра, мамлакат ЯИМ 2010 йил январь-декабрь ойларидаги даражадан 36,8 фоизга ошди.

Саноат

Саноат тармоқларини диверсификация қилиш жараёнларининг янада чуқурлаштирилиши ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларига ички талаб ва улар экспортининг рағбатлантирилиши саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,3 фоизга изчил ўсиш суръати таъминланишига имкон яратди.

Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар, 2014 йил январь-декабрь ойлари


	млрд. сўм	2013 йил январь-декабрь ойларига нисбатан фоизда
Ялпи ички маҳсулот	144 867,9	108,1
Саноат маҳсулоти	75 193,5	108,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	36 957,0	106,9
Асосий капиталга инвестициялар	33 715,3	109,6
Қурилиш ишлари	19 779,3	118,3
Юкларни ташиш, млн. тн	1 455,8	105,0
Юк айланмаси, млн. тн.-км	86 474,6	103,3
Йўловчиларни ташиш, млн. киши	7 321,3	104,8
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	100 095,7	105,8
Чакана товар айланмаси	58 643,4	114,3
Истеъмол нархлари индекси*	x	106,1

* – 2014 йил декабрь ойи 2013 йил декабрь ойига нисбатан


STATISTIKA

ЎзРТХБда сотувга қўйилган товарларнинг ҳафталик ўртача мақбул нархи

	10-11/ 14-11	17-11/ 21-11	24-11/ 28-11	01-12/ 05-12	08-12/ 12-12	15-12/ 19-12	22-12/ 26-12	29-12/ 02-01	05-01/ 09-01	12-01/ 16-01	19-01/ 23-01	26-01/ 30-01
Пахта ёғи, сўм/т	2 693 329	2 693 818	2 679 517	2 693 329	2 692 769	2 683 809	2 683 767	2 689 640	2 689 640	2 693 294	2 693 252	2 693 277
Бугдой уни олий нав, сўм/т	1 250 587	1 239 977	1 286 016	1 286 016	1 245 554	1 245 503	1 267 405	1 267 405	1 267 405	1 239 786	1 244 498	1 285 474
Бугдой уни биринчи нав, сўм/т	889 728	890 795	911 661	894 080	890 654	893 927	895 247	919 800	882 738	882 863	896 432	914 472
Бугдой, ем учун 4 класс	525 040	526 924	525 819	525 819	525 819	525 861	525 227	525 227	525 227	500 751	488 311	512 378
Бугдой, ем учун 5 класс	499 501	498 573	505 031	505 031	505 031	483 523	466 182	506 391	506 391	487 719	486 259	513 531
Шакар	2 412 900	2 412 900	2 412 900	2 412 900	2 412 900	2 412 900	2 412 900	2 412 900	2 412 900	2 412 900	2 412 900	2 412 900
Бензин АИ-80, сўм/т	3 254 874	3 022 413	3 050 870	3 627 262	3 349 221	3 771 906	3 159 786	2 959 046	3 102 721	2 935 602	3 463 487	2 911 249
Бензин АИ-91, сўм/т	3 443 393	3 222 341	3 222 341	4 291 211	4 291 211	4 199 252	3 120 216	3 030 000	4 203 004	3 218 160	3 509 317	4 787 770
Дизель ёнилғиси, сўм/т	4 617 463	5 025 295	4 939 199	4 453 179	4 265 874	4 053 128	3 508 774	3 077 814	4 038 567	4 601 546	4 726 938	4 026 159
Суялтирилган газ, сўм/т	3 442 284	3 842 872	3 241 853	2 815 612	2 971 175	3 026 113	2 526 028	1 741 954	1 430 234	1 399 596	1 140 400	931 196
Сояли шрот, сўм/т	3 600 000	3 600 000	3 600 000	3 600 000	3 600 000	3 600 000	3 600 000	3 600 000	3 600 000	3 600 000	3 600 000	3 600 000
Пахта чигити шроти, сўм/т	545 503	537 229	538 742	527 056	543 482	544 179	536 326	526 989	539 219	537 826	535 451	522 035
Пахта чигити шелухаси, сўм/т	257 939	258 211	256 704	252 784	257 956	258 006	256 653	252 623	264 420	251 591	252 448	246 953
Азот-фосфорли ўғит (қолда), сўм/т	694 080	694 080	694 080	694 080	694 080	694 080	694 080	694 080	694 087	694 080	694 080	694 080
Аммофос 44:10, сўм/т	963 271	963 036	962 802	962 802	962 802	962 802	1 080 608	1 080 560	1 080 572	1 081 804	1 082 058	1 080 700
Кальцийланган сода (қолда), сўм/т	795 947	799 692	796 794	798 335	797 008	831 790	834 283	794 935	796 936	801 176	799 973	796 401
Сульфат аммонийси (уюм), сўм/т	318 300	319 054	318 312	318 307	319 093	318 428	318 300	318 300	322 271	335 209	320 603	332 312
Суперфосфат (уюм), сўм/т	383 304	383 304	383 310	383 304	383 304	383 304	383 304	383 304	383 304	384 000	384 000	384 000
Арматура (СТ25-35ГС), сўм/т	2 937 855	2 937 855	2 748 620	2 748 620	2 491 568	2 491 568	2 283 553	2 283 553	2 283 553	2 322 089	2 322 089	2 483 156
Қурилиш битуми, сўм/т	2 385 981	1 719 149	2 312 752	2 312 752	1 657 053	2 343 986	1 557 899	1 794 623	1 708 736	1 668 950	1 780 614	1 750 789
Мис катанкаси, сўм/т	20 866 414	19 158 500	19 158 500	16 750 676	18 276 314	16 303 502	16 303 502	16 303 502	17 132 630	16 974 953	16 512 037	16 512 037
Полиэтилен (F-0120), сўм/т	8 383 144	8 377 298	8 377 298	8 377 298	7 448 577	7 448 577	7 448 577	7 448 577	7 448 577	8 378 227	8 378 227	8 378 227
Қўмир (2 БОМСШ 0-50), сўм/т	108 035	105 498	116 778	116 778	116 778	116 778	116 778	94 626	94 626	94 626	94 626	94 626
Цемент (М-400 Д-20), сўм/т	252 797	226 505	232 541	222 886	224 919	230 471	228 499	242 293	256 170	247 238	237 354	232 046
Шифер 8 тўлқинли, сўм/лист бирлигида	19 861	19 303	19 110	19 801	18 383	19 693	19 301	19 375	19 224	19 008	19 622	18 878



DUNYOGA NIGOH




Давлат маблағи тежаладиган бўлди

Мексика молия вазири Луис Видерегай баёнотида келтирилишича, Мексика ҳукумати 2015 йил давлат бюджети харажатларини 124,3 млрд. песога қисқартириш ҳақида қарор қабул қилди.

Маълум бўлишича, ушбу маблағ мамлакат ЯИМ ҳажмининг тахминан 0,7 фоизини ташкил этади ва қисқартиришларнинг 65 фоизи жорий харажатларга ва 35 фоизи инвестициялар улушига тўғри келади. Pemex давлат нефть компанияси харажатлари 62 млрд. песога (тахминан 4,1 млрд. АҚШ доллари), CFE миллий электрон тизими харажатлари эса 10 млрд. песо (тахминан 0,7 млрд. АҚШ доллари)га камайтирилади. Вазирлик ва идоралар эҳтиёжи учун эса аввалгига нисбатан 52 млрд. песо кам маблағ сарфланиши белгиланган.

— Шу аснода, муаммоларга олдиндан тайёрланаёلمиз, — дейди Л.Видерегай ўз сўзида. — Бизнинг мақсадимиз — барқарорликни, ундан ҳам муҳими мексикалик оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга эришиш ҳисобланади.



Мамлакат молия вазирининг таъкидлашича, бундай қадамлар жаҳон молиявий инқирози, фоиз тарифларининг ошиб кетиши ва Мексика давлат бюджетининг асосий манбасини ташкил этувчи нефть маҳсулотларининг нархи пасайиши оқибатида юзага келаётган ноҳусолатларни бар-тараф этиш мақсадида амалга жорий этилмоқда.

«MasterCard»нинг ошиғи олчи

Кредит карталарда хизмат кўрсатиш бўйича дунёнинг энг йирик компанияларидан бири — «MasterCard Inc.»нинг 2014 йил якунига келиб соф фойдаси аввалги, 2013 йилдагига нисбатан 16 фоизга, яъни 3,617 млрд. АҚШ доллариға ўсди, дейилади компания молиявий ҳисоботида.

Бир акциядан олинадиган соф фойда 2013 йил январь-декабрь ойларида 2,56 АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб, мазкур кўрсаткич 3,1 долларга тенг бўлди. MasterCardнинг йил якунидаги тушуми 9,473 млрд. долларга тўғри келди, бу эса 2013 йилдагидан 13,5 ортиқ кўрсаткичга эришилганини англатади.

IV чорак якунига кўра, соф фойда 28,6 фоизга ортиб, 801 млн. АҚШ доллариға етди ва тушум ҳам 13,6 фоизга ўсиб, 2,416 млрд. доллардан иборат бўлди.

АҚШ ЯИМда ўсиш суръати 2,6 фоиз

АҚШ ЯИМнинг 2014 йил IV чоракдаги реал ўсиш суръати, тахминларга кўра, йиллик ҳисобда 2,6 фоизни ташкил этди. Бу ҳақда АҚШ Савдо вазирлиги қошидаги иқтисодий таҳлиллар бюроси матбуот хабарномасида маълумот берилди.

Мазкур маълумотлар Reuters томонидан ўтказилган сўровда иштирок этган таҳлилчиларнинг башорати нотўғри бўлганлигини англатди. Улар ЯИМ ўсиш суръати 3 фоизни ташкил қилишини тахмин қилишганди.

ЯИМ ўсиш суръатининг III чоракдаги улуши 5 фоизга етишига вазирликнинг кўзи етмаган эди. IV чоракда истеъмолчилик харажатининг

реал ўсиш суръати аввалги чоракдаги 3,2 фоиз ўрнига 4,3 фоиз кўрсаткичига тенг бўлди. Маҳсулот ва хизматлар экспорти ўсиш кўрсаткичи 4,5 фоиз ўрнига 2,8 фоизга тушиб қолди. Айни пайтда маҳсулот ва хизматларнинг реал импорти аввалги чоракда 0,9 фоизни ташкил этган бўлса, сўнгги чоракда ушбу кўрсаткич 8,9 фоизга ортди.

Банк гуруҳи фаолияти яхшиланди

Швецариядаги Julius Baer банк гуруҳи бошқарувининг 2014 йилдаги активлари 14 фоизга ортди ва 291 млрд. Швецария франки (тахминан 314 млрд. АҚШ доллари)ға етди. Гуруҳ вакилларининг маълум қилишича, ўсишнинг асосий қисми 13 млрд. франк микдоридаги соф тушум эвазига тўғри келди (14 млрд. доллар).

Julius Baer Groupнинг мижозлар активи умумий ҳажми (омонат активлари билан биргаликда) 14 фоизга, яъни 396 млрд. франкни (429 млрд. доллар) ташкил этди.

Гуруҳнинг операцион даромади 16 фоизга, 2,457 млрд. франк (2,75 млрд. доллар)ға, тузатилган соф фойдаси 22 фоизга ўсиб, 586 млн. (633 млн. доллар) франкга тенг бўлди. Ҳар бир акциядан олинган даромад 20 фоизга ортди ва 2,68 франкга (тахминан 2,9 доллар) тўғри келди.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) бўйича соф фойда 96 фоизга, яъни 367 млн. Швецария франки (397 млн. доллар)ға, МҲХС бўйича ҳар бир акциядан олинган фойда эса 92 фоизга пасайиб, 1,68 франки (1,82 доллар)ни ташкил этди. Директорлар Кенгаши шу йилнинг 15 апрелида акциядорларнинг умумий йиллик йиғилишини ўтказиб,

дивидендлар тўловини ҳар бир акция учун белгиланган 0,6 дан 1 франкка кўтаришни режалаштирмоқда.

— 2014 йилда гуруҳ бадавлат мижозларнинг активларини бошқарувчи Merrill Lynch аталмиш Америкадаги инвестицион банки бўлинмасини қайта тузилмалаштириш ва интеграциялаш бўйича ишларни мувафақиятли амалга оширди, — дейди Julius Baer Group Ltd. ижрочи директори Борис Колларди. — Бу билан ўз бизнесимизнинг рентабеллигини ошириш учун пойдевор яратиб олишга эришдик. Гуруҳнинг ўрнини ошириш учун бор кучни капитални мустаҳкамлашга оид бизнинг нуқтаи назаримиз ўзгаришсиз қолади.

Таъкидлашларича, 2015 йилда гуруҳ умумий ҳажмда 100 млн. франклик ушлаб қолишларни қисқартиришга оид оптималлаштириш дастурини ҳеч бўлмаганда ярмини амалиётга татбиқ этиш режалаштирилган.

Натижалар турлича

Осиё — Тинч океани ҳудудлари фонд биржаларидаги савдо натижалари турлича бўлди.

Япониянинг Nikkei 225 индекс кўрсаткичи 0,66 фоизга пасайиб, 17 558,04 пунктни ташкил этди. SSE Composite Шанхай фонд биржасидаги кўрсаткич 2,56 фоизга камайтиди ва 3 128,3 пунктга тенг бўлди. Гонконгнинг Hang Seng Index натижаси аввалги кўрсаткичдан 0,28 фоизга қисқарди ва 24 438,5 пунктдан иборат бўлди.

Жанубий Кореянинг KOSPI индекси 0,18 фоизга ортди ва 1 952,68 пунктга етиб қолди. Сингапурнинг Straits Times Index кўрсаткичи 0,95 фоизга кўпайиб, 3 423,35 пунктга тўғри келди.




Европа фонд бозорида ижобий натижа

Европа фонд биржалари майдонидаги савдо ижобий якун топди.

Германиянинг DAX индекси аввалги ёпилишдагидан 1,25 фоизга ортди ва 10 828,01 пунктга етди. Франциянинг CAC 40 кўрсаткичи 0,51 фоизга кўпайди ва 4 627,67 пунктдан иборат бўлди.

Британиянинг FTSE 100 индекси 0,49 фоизга ўсди ва 6 782,55 пунктга тўғри келди.

АҚШ фонд бозоридан хушхабар



АҚШдаги фонд савдолари натижалари ижобий якун топди.

S&P 500 кенг миқёсли бозори индекси 1,3 фоизга ортди ва 2 020,85 пунктга етди. Dow Jones sanoat индекси кўрсаткичи 1,14 фоизга кўпайди ва 17 361,04 пунктни ташкил этди. Юқори технологияли Nasdaq кўрсаткичи ҳам 0,89 фоизга ошди ва 4 676,69 пунктдан иборат бўлди.

● Маънавиятимиз сарчашмалари

Эзгулик куйчисига ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Жорий йилнинг 9 февраль куни шеърят мулкнинг султони, буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий таваллудига 574 йил тўлади.

Маънавият ва маърифатни юксалтириш, баркамол авлодни вояга етказиш, она тилимиз, миллий адабиётимиз равнақида улуг шоир, мутафаккир Алишер Навоий ижодининг аҳамияти беқиёсдир.

Мамлакатимизда Навоий меросини ўрганиш, асарларини нашр этиш, мазмун-моҳиятини кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан бу борадаги ишлар ҳар томонлама рағбатлантирилиб, шоирнинг мукамал асарлар тўплами нашр қилинган. Мутафаккир бобомиз асарлари умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари, маърифат муассасалари, ахборот-ресурс марказларида кенг ва атрофлича ўрганилмоқда. Шоир ижоди бастакор ва хонандалар, созандалар, мусаввирлар учун ҳам битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарида таъкидланганидек: «Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало, Навоий асари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп бахраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни қарор топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз».

Дарҳақиқат, буюк мутафаккир Алишер Навоий асарлари ибрат мактабидир. Зеро, сўз мулкнинг султони кўплаб инсоний фазилатларга эга бўлиш баробарида, чуқур илм ўрганиш, ўзидан буюк маънавий мерос қолдиришга интилди. Алишер болалик чоғиданоқ шеърятга меҳр кўяди, Шарқ адабиётини кунт билан ўрганади. Оила муҳити унда адабиётга эрта ҳавас уйғотади. Чунончи, шоирлар тез-тез тўпланишиб, мушоира ўтказиши, адабиёт ва санъат ҳақида суҳбат-



лар унга ижобий таъсир кўрсатади. Алишер Навоий 10-12 ёшидан шеър ёза бошлаган. Унинг куйидаги шеърий мисраларини орамизда билмайдиган кишилар деярли топиламайди:

*Оразин ёпқоч, кўзумдан сочилаур
ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз,
ниҳон бўлғач қуёш...*

Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, ёш шоирнинг шеърий мисраларини, ижодий асарларини, кўйинги, унинг истеъдодини Мавлоно Лутфий ҳам алоҳида эътироф этган.

Алишер Навоий ўзбек тилида «Ҳамса» – беш дoston яратишни ўз олдига мақсад қилиб кўяди. Буни 1483-1485 йилларда амалга оширади. Асар ўзбек адабиёти шухратини оламга ёйиб, жаҳон адабиётининг дурдоналаридан бирига айланди.

Ҳозирги глобаллашув даврида Алишер Навоийнинг инсоний баркамоллик, одоб-ахлоқ, бегубор ва покиза туйғулар улугланган асарлари ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этмоқда. Шу боис, улуг шоирнинг ижод намуналари жаҳон халқларининг кўплаб тилларига таржима қилиниб, олимлар, кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Ёрқин ОЧИЛОВ.

«Нуроний» ва «Файзли хонадон»

Жорий «Кексаларни эъзозлаш йили» муносабати билан «Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси томонидан татбиқ этилган янги суғурта хизматлари ана шундай номланди.

Маълумки, мазкур суғурта ташкилоти давлат дастурлари ижросида ҳар йили фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, жорий йилда ҳам компания кекса ёшдаги фуқароларимизнинг суғуртавий ҳимоясини таъминлаш мақсадида «Нуроний» ва «Файзли хонадон» дея номланган янги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқди. Мазкур суғурта турлари компанияда амалда бўлган бошқа суғурта турлари сингари қулай, пасайтирувчи коэффициентларни ўз ичига олган ва ҳар икки томоннинг манфаатларига тўлиқ мос келувчи ўзига хос жозибадорликка эгадир.

«Нуроний» – ёши катта авлод вакиллари бахтсиз ҳодисалардан суғурталашга қаратилган. Ушбу суғурта тури бўйича 60 ёшдан ошган фуқароларимизни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш кўзда тутилган бўлиб, бунда суғурталанувчининг бахтсиз ҳодиса, жумладан, тана аъзоларининг чиқиши, жароҳат олиши, лат ейиши, суяк синиши (патологик синишдан ташқари) ва бошқа шу каби ҳолатлар натижасида жабрланиши суғурта ҳодисаси ҳисобланади.

Суғуртанинг ўртача суммаси (олинадиган жавобгарлик ҳажми) – 5 000 000 (беш миллион) сўмни ташкил этиб, компанияга тўлайдиган

суғурта мукофотлари 5 000 сўм ҳажмида белгиланган.

Компаниянинг «Файзли хонадон» суғурта хизматида кексаларнинг мол-мулкларини суғурталаш кўзда тутилган. Уларга тегишли барча турдаги мулклар (иморатлар, уй жиҳозлари ва бошқалар) ушбу суғурта тури қоидаларига асосан суғурталанади.

«Файзли хонадон» суғурта полиси асосида суғурта объекти бўлиб ҳисобланадиган уй-жой, шу жумладан, ижарага берилган уй-жойлар, турар жой хоналари, уларнинг таркибий қисмлари, хў-

оқибатида зарар етишидан суғурта қилинади. Суғурта полисига асосан уй-иморат, турар жой ва биноларнинг ўртача суғурталаш суммаси 50 млн. сўмгача таклиф этилмоқда. Суғурта мукофоти эса пасайтирувчи коэффициент билан 0,3 фоиздан 0,1 фоизгача (66 фоизгача чегирма) туширилиши кўзда тутилмоқда. Яъни, 50,0 млн. сўмлик суғурта хизматларини олиш учун 50 минг сўм суғурта мукофотини тўлаш kifоя қилади.

Таъкидлаш жоиз, «Кафолат» ДАСКнинг мазкур суғурта хизматлари юртимиз суғурта



жалик қурилмалари ҳамда ички ва ташқи пардоз қатламлари, турар жой хоналарининг муҳандислик қурилмалари, уй мулки ички сантехника тизимларининг ёрилиши, кўшни хоналардан сув кириши, ёнғин, зилзила, тошқин, кучли шамол ва бошқа табиий офатлар, учинчи шахсларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари

бозоридаги ўртача тарифлардан 2 баробарга арзондир. Улар бўйича хизмат кўрсатиш компаниянинг республика ҳудудларида жойлашган 160 дан ортиқ бўлинмалари ва улар негизидаги суғурта агентлари томонидан нақд пул, пластик карта ҳамда электрон тўлов орқали амалга оширилмоқда.

Назира МАВЛОНОВА.

ЭЪЛОН

«Кафолат» ДАСК АЖнинг Юнусобод тумани бўлими томонидан берилган KF 134734 рақамли ТВЭФЖМС суғурта полиси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНДИ.

Хизматлар лицензияланган.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Акmal НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

Анвар АСРОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

Газета «Moliya yangiliklari
agentligi» МЧЖнинг
компьютер базасида
саҳифаланди

АХБОРОТ КўМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100084, Тошкент ш.,

Ғ. Мавлонов кўчаси,

1а-уй, 3-қават.

e-mail: info@banknews.uz

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун
234-43-18

телефони орқали мурожаат қилинг.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.

Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмади.

Кўлэмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чоп этилади.

Буюртма № 2000
Адади: 10191 нусха.
Нархи шартнома асосида.
Газета АЗ ҳажмда, 3 шартли босма табоқда чоп этилди.
Босишга руҳсат этилди: 3.02.2015 й.